

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Муסיқали, драматик театр ва кино санъати”

кафедраси мудири: Х.Кабилов.

“.....” 2018 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

“Театр санъати” факультети

декани: А.Курбанов.

“.....” 2018 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ**

ТЕАТР САНЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ

“МУСИҚАЛИ, ДРАМАТИК ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ”

КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ ЭРНАЗАР ЁРБЕКОВ

“Актёрлик маҳорати” фанидан

маъруза матнлари

ТОШКЕНТ-2018

КИРИШ

Ўзбекистонимиз Мустақилликни кўлга киритгач миллий маънавиятимизни тиклаш, эзгу қадриятларимизни асраб-авайлаш, маданиятимиз ва санъатимизни истиқлол ғоялари сингдирилган етук асарлар билан бойитиш ва шулар асосида ҳар томонлама етук ва баракамол авлодни тарбиялаш устувор вазифаларидан бирига айланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори бу вазифаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигининг яна бир тасдиғи бўлди. Бу қарор бевосита илм-фан, адабиёт, оммавий ахборот воситалари, санъат ва маданият намояндалари зиммасига янада шарафли масъулиятни юклайди. Янги инсонни камолга етказишда, унинг маънавий маданиятини шакллантиришда, ватанни севиш, унга дахлдорлик туйғусини уйғотишда санъатнинг ўрни бекиёсдир. Чунки санъат ҳар бир миллатнинг маданияти юксалганлиги ва миллатнинг балоғатга етганлигини яққол кўрсатувчи ойнадир.

МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТНИ

Мавзу: Театр- санъатнинг тури сифатида

Режа:

1. Санъат турлари
2. Ўзбек театри арбоблари
3. Актёр санъати тараққиётидаги услубий йўналишлар

Сизга яхши таниш бўлган Европа типдаги профессионал театрнинг юзага келганига икки ярим минг йилдан ошди. Санъат турларининг, шу жумладан театр санъатининг юзага келиши, инсоннинг шу дунёда яшаши (яхши яшаши) учун кураши билан боғлиқдир. Театр санъатининг Дионис билан боғлиқ энг қадимги (антик) маросимлари ҳам, ундан кейинги тароққиёт босқитчлари ҳам фақат бир мақсад улуг гуманистик ғояни яъни инсоннинг инсон бўлиши, унинг камолотй учун курашни кўзлаб келмоқда. Шу боис гуманистик театр ўзининг; Промитей, Эдип, Медея, Гамлет, Отелло, Карл Моор, Фердинанд, Алишер Навоий, Жалолоддин, Муқанна, Комилов, Амир Темур, Улуғбек, Ал Фарғоний, Алпомиш каби минглаб буюк образлари орқали ўз муҳлислари бўлмиш томошабинни маънавий баркамол, ғоявий улуғвор, нафосатли, назокатли, бўлишга, ватанпарварликка, садоқатга, илим-маърифатга интиштириб зиё эгаси бўлишга чорлаб келмоқда. Қадимги грек театрини олайлик Эсхил, Софокл, Еврипид ва Аристофанлар ўзларининг улуғвор трагедиялари,

ижтимоий ўткир комедиялари орқали энг аввало эл-юрт манфаати, тинчлиги, фаровонлиги ғоясини, бир сўз билан айтганда ватанпарварлик ғоясини илоҳий даражага кўтариб қуйлаганларини биламиз. Улуғ Шекспир ва унинг ўтмишдошлари, Молер, Шиллер, Пушкин, Чехов, А.Қодирий, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжонлар тасвирда нозиклашиб инсон камолоти учун ҳалал бераётган, унинг оёғига тушов бўлаётган зарарли иллатларни аёвсиз фош этиш орқали инсонни яхшиликка, меҳр-оқибатга, саховатга, садоқатга, тўхтовсиз мукаммаллашишга чақирдилар. Ўзбек театрининг отаси М.Бехбудий ва бошқа ўзбек жадидлари, XX аср ўзбек маданиятининг энг йирик драматурглари, режиссёрлари, актёрлари жаҳонда энг илғорлардан бўлган театр яратдилар. Ўз фаолиятлари билан ўзбек халқини тараққиётга, маънавий-маърифий мукаммаликка, ватанпарварликка, чорладилар. Бу йўлда кўп насага эришилди. Шу боис Ўзбек Миллий академик драма театри миллатимизнинг дорилфунунига айланди десак янглишмаймиз.

Ўзбек театри арбоблари А.Авлоний, М.Уйғур, Ҳамза, Ғ.Зафарий, А. Ҳидоят, З.Қобулов, Тамараҳоним, Сараҳоним, Турсуной, Нурҳон кабилар ҳаётлари учун ҳавфли бўлган даврлардаёқ элни-юртни маърифати, маданияти, маънавиятини учун дадил саҳнага чиққанлари, гўзалликка, руҳий озодликка, маърифатга чорлаганлари ҳақиқий мардлик, қаҳрамонлик бўлганини тушунтириб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Нима учун шундай қилдилар? Чунки ўз юртлири Туркистонни тенглар ичида тенг кўришнинг, ривожланган, маънан ва моддий бой бадавлат ва гўзал кўришни истадилар.

Ундан кейинги даврлар ўзбек саҳнасига чиққан бирнеча авлод санъаткорлари, театрнинг азалий гуманистик анъанасини давом эттириб, юрт ривожини учун ҳормай толмай ишладилар. Юртимизнинг ҳозирги ривожланган жамолида уларнинг ҳам улуғ меҳнатларининг самарасини кўришимиз мумкин. Шу боис актёр санъати, у яратган образлар халқ учун доимо ўрнатилган, ибратдир. Улар масалан, Абдул Ҳидоят деганда Ғофир, Рустам, А.Навоий, Отеллоларга ҳос улуғ ҳислатларни кўз олдиларга келтирадилар. Ш.Бурҳонов деганда Улуғбек, Ялангтўш, Сулаймон ота, Эдипга ҳос захматкашлик, фидойилик, мардлик тимсоллари кўз олдиларига келади. Обид Жалилов, Сора Эшонтоъраева, Лутфихоним Саримсоқова, Зайнаб Садриева, Олим Ҳўжаевларни буюк санъаткор эл-юрт учун меҳнатлари, фидойилар идеали сифатида биладилар. Улар ўзбек халқининг ҳақиқий ватанпарварлари эдилар. Шундай бўлмаганда буюк ўзбек театри, актёрлик, режиссёрлик санъатлари, драматургияси юзага келмаган бўларди. Улар ҳам сиз каби ёш бўлганлар, иқтидорли бўлганлар, ўқиганлар, санъат сирларини тинмай эгаллаганлар. Юксак натижалари эса ана шу темир интизом, ахлоқ-одоб, чидам, сабр ва тоқат меvasидир. Сиз азиз талабалар улардан ўрнатилган олсангиз. Юрт талабига, юртбошимиз талабига қулоқ солсангиз санъатда улуғ устозларнинг арзигули ворислари бўлиб етишишингиз, театр санъатимизни янада тараққий эттиришингиз шубҳасиз.

Шундан сўнг талабалар билан танишув. Сухбат. Талабаларни кириш имтиҳонида ижро қилган этюд, монолог, масал, шеър, кўшиқларининг кўриги ва муҳокамаси бўлиши мумкин.

Институт тартиб-қоидалари, талабалик этикаси, эстетикаси ҳақида маънавий-маърифий сухбатлар ҳам мақсадга мувофиқ.

Санъат, шу жумладан театр санъати инсон қалбини нозиклаштириб, маънавий дунёсини суюйтади, гўзаллаштиради, эзгуликка чорлайдилар. Театр санъати мураккаб, коллектив санъатдир. У ўз воситалари орқали инсон рухиятига таъсир қилади. Театр санъатининг энг асосий намоёндаси, актёр у сиз театр йўқ. у сахнанинг мутлоқ қироли.

Актёр санъати тараққиётида қуйидаги услубий йўналишлар юзага келган.

Дилетантизм услуб ва техникани рад этади. Дилетантизм театр мактабига зид оқимдир. Бу оқимга риоя қилувчилар актёрлик техникаси ва системаси лаёқатсиз актёрларга керак. Техника ва система илҳомларга ҳалакит беради, деб ишонтирмоқчи бўладилар.

Тақлидий санъат -- актёр репетиция пайтида ёки уйида бир марта ҳақиқий, ҳаётӣ кечинмани бошидан кечиради ва ёдлаб олади. Аммо томошабин учун спектакль ўйнаганда, кечинма йўқолади репетицияда қилган ишларини фақат кўрсатиб беради. Тақлидий санъат репетиция пайтида ёдлаб олинган кечинма шаклини қайтариш, кўрсатиш, намоёиш қилишдир.

Кечинма санъат- ролда инсон руҳини ҳаётдагидай, ҳар гал қайта гавдалантиришдир. Бу санъат томошабин онги ва ҳиссиётига чуқур таъсир кўрсатади. Шунинг учун кечинма санъат- самимийлик, ҳақиқат ва ҳаётӣликни ўз ичига олади.

Таянч иборалар:

Драматург, режиссёр, театри арбоблари, дилетантизм, тақлидий санъат, кечинма санъат.

Савол ва топшириқлар:

1. Санъат турларини сананг!
2. Улар ҳақида ту шунчаларингизни гапириб беринг.
3. Тақлидий ва кечинма санъатининг фарқи?
4. Актёр тарбиячи, ватанпарвар фуқаро мавзусида ёзма матн тайёрлаб келинг

Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
3. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
4. М.Умаров. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009. Ж.Маҳмудов. “Актёрлик маҳорати”. Тошкент: Билим, 2005.
5. Юсупова М.Р. “Упражнения по актёрскому тренингу”. Т.: ЎзДСИ босмаҳонаси. 2005.
6. Ш.С.Ҳамидова. “Эстрада театри ва унинг жанрлари”. Т.: 2009.

7. Ж.Маҳмудов, Х.Маҳмудова. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
8. Зиё.нет.
9. [хттп://www.театр.ру](http://www.театр.ру)

Мавзу: Бадий образ

Режа:

- 1.Бадий образнинг тўртта компоненти.
- 2.Аллегория ва метафоранинг театр санъатидаги ўрни.
3. Саралаш қонуни.

Санъатнинг ифода воситаси, яъни образни - ҳаётни муайян акс эттириш усули, воситаси ва ўзига хос хусусияти деб қабул қилиш мумкин. Одатда биз образни бадий асарларда яратилган тип, характер, санъатнинг ўзига хос категорияси, санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурнинг аниқ ҳис этиладиган тарзда гавдаланиши деб мушоҳада қиламиз.Биз худди шу ҳолатни, бадий образнинг тўртта таркибий қисми-компонентларида ҳам кўришимиз мумкин.Борлиқни образ орқали акс эттириш услуги қандай қисмлардан иборат ва унинг вазифалари қандай?

Образнинг биринчи хусусияти-бу албатта, қандайдир фикр ва ғояга бўйсинган бўлиб, «Нима учун?» деган саволлар унинг замирида ётади. Яъни, қандайдир аниқ ва муайян фикр, ғоя учун борлиқни қайтадан акс эттиради ва шунинг учун яшайди. Худди шу нарса образнинг асосий мазмунини ифодалайди. Аммо, агарда ғояга тўғридан - тўғри мурожат қилинса, унда театр санъати-плакатнамо, публицистик шиорга айланиб қолиши мумкин. Биз бундай ҳолларни, ўз пайтида, гувоҳи бўлганмиз. Бу борада, бундай фикр – мулоҳозалардан маълум даражада эҳтиёткорлик зарур. Чунки, ҳаммага маълум фикр ва ғоялардан прагматик равишда тўғридан – тўғри фойдаланилса, у албатта ҳаётни ўта соддалаштириб, фақатгина оқ - қорага ажратиб қўйиши мумкин ҳалос. Айниқса театр санъатида, ҳаётни ўта конкрет ифодаладиган санъатда бу масалага жиддий қарамоқ керак. Агар биз ундан қандайдир конкрет фикр излай бошласак, оқибатда вульгар хулосалар келиб чиқиши мумкин.

Мана масалан, муסיқа энг мавҳум санъат тури саналади. Шундай бўлсада, энг буюк куй ҳам режаланган ғояга бўйсунди. У яъни шу ғоя учун яратилган ва шунга хизмат қилади. Шу билан бирга яна бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар қандай буюк асарда, аксарият ҳолларда, ғояни илғаб олиш қийин бўлади. У аслида асосан «сирли» бўлади, театрда эса бу ҳолат муסיқага нисбатан «аниқроқ» ифодаланади.Шунинг учун санъатни англашда, қабул қилишда, асар ғоясини вульгар равишда соддалаштирмаслик керак.

Бир қарашда англаб бўлмайдиган санъат асарларининг ҳам негизида ҳамиша фикр ва ғоя мавжуд.

Санъатда ғоя, фикр ва мазмун ҳамма вақт гўзал ва ўта сирли бўлиб қолаверади. Санъатни қабул қилишдаги энг ширин дамлардан бири, бу ҳис – туйғуларимизга мос, унга адекват, онгли мазмун топиш билан белгиланади. Агар санъат томошабинни, ўзига хос, сирли жозиба билан жалб эта олмаса, унда режиссёрнинг қилган меҳнати ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди.

Ҳар қандай одам, санъатни қабул қилиш хусусиятига эга. Аммо ана шу хусусиятни ривожлантирмай ва такомиллаштирмай туриб ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яъни, кўнгилни ҳам машқ қилдириш лозим. Бу борада санъатда янги фикрни ҳамма вақт инсониятга айнан аниқ деб ҳисобланган жойлардан изламоқ керак.

Шарқда кўплаб шоирлар атир гул гўзаллигини таърифлашган, аммо сиз, уни ҳали ҳеч ким топмаган тарафини кўриб, очиб беришингиз керак. Ундан ташқари, санъат асари қай даражада пишиқ ва баркамол бўлса, шунчалик фикр ва ғоя, мақсад ва мазмунни аниқлаш мураккаб ва мушкул кечади, айниқса, театр санъатида. Чунки у, аниқ санъатдир, шунинг учун ундаги «гўзал сир» мукамал равишда энг тубигача очилиши лозим.

Бизда театрда, мазмун ҳис–туйғу билан аниқланади, уни «фиксация қилиш мумкин» деган тушунча бор. Аммо фақат шиор билан ифодалаш усули ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Фақат аниқ сўз билан шаклланган чуқур фикргина санъат асарини тўлиқ таҳлилидан ўтказилганлигига кафолат бўла олади. Бунинг учун махсус услубга бўйсинган фикрлаш жараёнини билиш ўта зарурдир.

Санъат ҳақида фикр юритиш, у ҳақида гапириш учун шу фикрлаш услубини ўрганиш ўта муҳимдир. Сиз таҳлил қиладиган ҳар қандай санъат асарини, у китоб бўладими, мусаввир чизган суратми, спектакль ё кинофильм бўладими, албатта биринчи навбатда, шу заҳотиёқ ўзингизга саволлар беринг: «Нега?», «Нима учун?», «Нимага?»... Сўнгра бу саволларга асардан аниқ жавоб излаб топинг.

Мана масалан, сиз шаҳарнинг кўркам кўчаларидан бирида кетяпсиз. Шунда, мана бу уйда нималар содир бўляпти? Тепа қаватларда одамлар қандай ҳаёт кечиришяпти. Бу уйлар, деворлар, эшик ва ромлар кимларни кўрган? Улар билан нималар бўлган? - деган саволлар беринг. Иложи борица ҳаётий «роман ва хикоя»лар тузинг.

Бундай машқлар сизни истеъдодингизни чархлайди. Оддий кишиларда, оламдаги нафисликни кўришликни тарбиялашингиз учун ўзингизда бадииятни кўра билиш хусусияти мавжуд бўлиши шарт. Бу хусусиятни ўз навбатида машқлар воситасида ривожлантириш мумкин.

«Истеъдод меҳнатнинг фарзанди» - деган гап бор. Зеро, истеъдод бетиним машққа ташна бўлмоғи керак. У онгли равишдаги «тўртки» га муҳтож бўлади. Агар сиз, дарслар бошланмасидан аввал, ҳар кунги ҳаётингизда, бу жараённи бетўхтов, ирода билан юритсангиз, вақт соати етганда ўзингизда беихтиёр шу жараён кўзғаладиган кўникма ҳосил қиласиз. Оқибатда бу сизнинг иккинчи табиатингиз бўлиб қолади.

Ҳаётни онгли равишда англаш, фаҳмлаш, чуқур фикрлаш, кўпдан – кўп саволларга жавоб излаш, ҳар сафар ҳаётда ва ўзингизда кутилмаган янгиликларни очиш, бетиним машқ қилиш натижасидагина сизни санъаткор сифатида камолатга етказди. А.Толстой «Мен аста–секин ўзимда «бекорчи кузатувчи»ни тарбияладим-деган экан. Бу хусусият кардинал равишда ижодкор одамни ижодкор бўлмаган одамдан фарқлайди.

Хусусан, бундай машқлар оқибатида туғиладиган ҳолат, қалбингизни бадий образни қабул қилишга тайёрлайди. Чунки, шу кузатувлар натижасида ҳосил бўладиган кўпдан–кўп саволларга жавоб излаш, содир бўлаётган воқеалар мазмунини ечиш, кўп номаълум жумбоқларга жавоб топиш бадий образнинг туғилишига асос бўлади. Шу билан биргаликда, сиз беихтиёр ўзингиз билмаган ҳолда санъатнинг сирларини ҳам очасиз. Ҳар қандай санъат негизида мазмун қонунияти, олий муддаога бўйсуниб бор.

Демак, кўриняптики, юқорида келтирилган саволларга жавоб топилган тақдирдагина мазмун очилади ва ўз навбатида олий муддао яъни, фикр ва ғоя аниқланади.

БАДИЙ ТЎҚИМА: Санъатдаги бадий образнинг иккинчи таркибий қисми (компоненти) бадий тўқимадир. Бошқачароқ қилиб айтиладиган бўлса, бадий тўқимани, адабиёт санъатнинг ўзига хос бўлган (специфик) фарқи дейиш мумкин. Агар бадий образнинг биринчи компоненти Фикр, ғоя ва Мазмун инсоннинг жамиятда фуқаролик руҳи билан боғланган бўлса, ғоя ва Олий муддаони англаш жараёни фанга мойилроқ бўлса, Бадий тўқима эса фақатгина ижодий тасаввур маҳсулидир. Бадий тўқима биринчи навбатда инсоннинг истеъдодига боғлиқ. У бор жойда, айнан ҳаётда йўқ нарса ҳам бор бўлиб қолиши мумкин. Шу маънода, бадий тўқимани санъат мўъжизаси ҳам дейишади. Бунга А.С.Пушкиннинг «Бадий тўқима устида кўз ёшларим дарё бўлур» – деган сатрлари ҳам далил бўла олади. Масалан, ҳужжатли фильм том маънода, факт ва ҳужжатлар асосида суратга олинади. Маълум конкрет, фақат фактлар асосида, суратга олинган ҳужжатли фильм, томошабинларни бефарқ қолдириши мумкин. Чунки у, айнан шу соҳани биладиган одамларни қизиқтириши мумкин. Аммо монтаждан кейин, унга бадий тўқималар қўшилгач ҳамда типик ва умумлаштириш жараёнидан ўтгач, намойиш пайтида, сизнинг бутун вужудингизни ҳиссиёт тўлқини қамраб олади. Демак монтаж пайтида танлаш ва саралаш хусусияти эса бадий тўқимага сифат кашф этади.

ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ: Бадий образнинг учинчи таркибий қисми ҳаётий ҳақиқатдир. Агарда бадий тўқима ҳаёт билан боғланмаган бўлса, унинг сариқ чақачалик ҳам қиймати қолмайди. Масалан, Н.В. Гоголнинг «Бурун» асаридаги

Акакий Акакиевич Башмачкиннинг образини муаллиф айнан натурадан кўриб ёзиб олган бўлганда, фақат шунинг ўзигина адабиёт бўлиб қолмасди. Ўз-ўзидан аёнки, бунга Башмачкин қиёфасини акс эттиришга бадиий тўқима қўшилган. Аммо бадиий асардаги бадиий тўқима замирида ҳаётий ҳақиқат мавжуд бўлмаганида, у бизни ҳеч қанақасига ишонтира олмасди.

Маълум бўляптики, бадиий тўқимасиз ҳаётий ҳақиқат, ҳаётий ҳақиқатсиз бадиий тўқима бўлмайди. Оламни акс эттиришда ҳаётий ҳақиқат, ҳаётга айнан ўхшашлик, бошқача қилиб айтганда томошабин саҳнадаги ҳаётни кўрибоқ таниб, билиб олса, шу заҳотиёқ унинг ишончини қозонади. Инсоннинг руҳияти, мулоқот ҳақиқати, бадиий тўқиманинг туғилишига асос бўлиш билан бирга, бадиий тўқима ҳақиқатида, у мантиқсиз, инсон психофизио-логиясисиз содир бўла олмайди. Бадиий тўқима ҳақиқати фалсафий ва ижтимоий ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳар қандай бадиий тўқиманинг ўз ҳақиқати мавжуд. Зеро, ҳаётда қандайдир ягона мавҳум ҳақиқат бўлмайди.

Театр санъати қонунида ҳамма вақт ҳаётий ҳақиқат бўлиши асосий шартдир. Масалан, Гулханийнинг «Зарбулмасал»ларида. Унинг шу бетакрор масаллари орқали инсоннинг ҳатти - ҳаракатидаги мантиқни очиб бериши, ҳайвонларнинг ҳақиқатдан, табиатида берилган феъли асосида очилган. Бу ерда у фақат биргина бадиий тўқимагагина асосланган ҳалос. Яъни, «агарда ҳайвонлар гапира олишганда, бундай дейишади», деган маънода.

Бадиий тўқима образ яратишда шоҳона ҳукмрон, аммо қулликдаги шоҳона ҳукмрон, чунки у ҳаётий ҳақиқатга тўлиқ тобе.

Юқорида айтганимиздек, бадиий тўқима ҳаётий ҳақиқатсиз сарик чақага арзимайди, ҳаётий ҳақиқат эса бадиий тўқимасиз санъат эмас.

Бу борада биз яна бир масалани кўриб чиқишимиз жоиздир. Яъни, Аллегория (мажоз) ва Метафора (истиора) нинг театр санъатидаги ўрни нималардан иборат?

МАЖОЗ (АЛЛЕГОРИЯ) ВА ИСТИОРА (МЕТАФОРА): Аллегория бу (мажозий, асоссиз) ҳаётий ҳақиқатга бўйсиндирилмаган, ўта бўрттирилган, рамз, белги деган маънони англатади. Ҳаётий асосга эга бўлмаган хусусиятлар, ундан ажратиб олиниб, мавҳум ҳолда акс эттирилган ҳаёт мажоз бўлади.

Истиора (метафора) эса ҳаётий ҳақиқатга бўйсинган, инсоннинг ҳаётий тажрибасига асосланиб ўринли бўрттирилган ҳолатлардир. Истиорада иккита, бир-биридан анча узоқ бўлган ҳолатлар нафақат ўхшатилади ёки таққосланади, айрим ўринларда улар бир – бирларига ҳатто тенглаштирилади.

Демак, мажоз адабиётда ўз ўрнига эга, аммо театр санъатида бадиий образга «душман» ҳисобланади. Истиора бўлса театр санъати учун ўта зарур омилдир.

Режиссёр идеал томошабиндир. Четдан, ўз ишини «душман» кўзи билан кўра билган, ҳеч нимани билмайдиган одам бўлиб кўра олишни ўрганиши керак. Театр санъатида истиора керак, мажозий ребусларни ечиш керак эмас.

Сахнадаги ребусларни ечиш, бизнинг онгимизга тўғридан тўғри мурожаатдир. Режиссурада фақат ақл кўзи билан кўриладиган мантиқ тақиқланади. Ҳар қандай шароитда ребус – кроссвордларни ечиш, уларининг сирларини очиш томошабиннинг қалбини тош қилиб, ақлига мурожаат қилади. Оқибатда томошабин саҳнага ҳамнафасликдан чиқиб кетади.

Бизнинг санъат ўта конкрет, аниқ санъатдир. Томошабин спектаклни кўриш жараёнида эмас, тамом бўлгандан кейин фикр–мулоҳаза қилсин. Спектакл кетаётганда бутун борлиғи билан, ҳис–туйғуга тўлиб саҳнадаги воқеликка берилиб кетиши керак.

АКСЮМАРОН: Аксюмарон–юнонча сўз бўлиб у бир–бирига зид бўлган икки ҳолатни бир шаклда кўради ва ундан кутилмаган янги бир маъно кашф этади... Яъни, қайноқ қор, саратондаги изғирин, кўркам либосли яланғоч, бахтдаги дард ва ҳоказо.

Бу қонуниятнинг парадоксал мантиғи санъатимизнинг энг муқаддас хусусиятидир. Бундай кутилмаган ҳолатларни барпо бўлиши учун сиз ҳар куни, ҳар соатда ўз устингизда машқ қилишингиз, тажрибангизни ошириб бормоғингиз керак. Шунда сизда кутилмаган ҳаётий ҳолатлар бисоти ошади. Кўрганларингиз ичидан кутилмаган вазиятларни тўплайсиз. Ҳар кунги юриш–туришингизда кутилмаган ҳолатларни фиксация қилишни ўрганингиз. Саҳна усталари ана шунақа ўзига хос кузатувчанлик хусусиятига эга бўладилар.

Бир маърақада, тобут кўтаришдан аввал содир бўладиган югур–югур ва аёлларнинг қий–чувида, таъзиячилар орасида турган атоқли режиссер Ш. Аббосов, қатордаги ҳамкасбларига, ... “Болага қаранглар”, – дедилар. Шундай вазиятда, кўчанинг ўртасида ҳосил бўлган кўлмак сувда, бир болакай қоғоз кемачага хаво пуфлаб юргазаяпти... “Қаранглар бу ерда ўлим ҳукм сураяпти, у эса хаёлан уммон қамровида. Мана сизга ҳаёт боқийлиги тимсоли”.

Одатда ёзувчилар ўзлари учун кутилмаган янги сўз ва ташбеҳларни ёзиб олишга ошиқадилар. Мўйқалам усталарида эса нур ва рангларни ҳис қилиш қобилияти кучли бўлади.

Режиссёрда кўзлари эса ҳатти–ҳаракатларни кўра билишга қаратилган бўлмоғи шарт. Инсонни кутилмаган ҳатти–ҳаракат қилишини, кутилмаган мантиқ орқали кузата олиш даркор. Одамнинг юриш–туришидан, қилаётган ишидан у нима ҳис қилаётганини, кўнглидан, юрагидан қандай кечинмалар ўтаётганини илғаб олишга ўрганиш керак. Вокзал, аэропорт, бозорларда, оромгоҳларда, умуман иложи борица ҳамма ерда, одамларни кузатиш керак. Уларнинг ҳатти–ҳаракатларини, ку–тилмаган ҳолатларини, юриш–туришлари, қилиқлари ва муносабатларини ён дафтарга ёзиб юриш керак. Кўриш ва эшитишни ўрганишда ҳам гап кўп.

Томошавий тассуротлар бизнинг касбимизда энг азиз нарсаси ҳисобланади. Зеро, театр бу томошавий санъатдир. Бунинг учун эса аввало ўзингизда томошавийликни тарбияламоғингиз лозим. Албатта, ҳар куни дебоча устида кўп ишлаш талаб этилади. Бу машқ худди ана шу томошавийлик машқидир. Реал ҳаётдаги ҳис–туйғу орқали бориётган фаҳмлашга ҳаракат қилинг.

Парадоксал ечимлар топишга ўзингизда кўникма ҳосил қиладиган машқларга кўпроқ эътибор беринг. Кутилмаган тескари ечимларга бой сахналарни кўришга, илғаб олишга интилинг. Оқда оқ, қорада қора кўришмаслигини, ҳамма вақт контраст ҳолат ва воқеаларни ҳаётда ҳам, сахнада ҳам ажрата билишга кўникинг. Аммо бўларнинг ҳаммаси мантиқли бўлмоғи, ҳаётий мазмунни очишга хизмат қилмоғи керак.

Кутилмаганлик қонуниятини севинг, уни меҳр билан тўпланг. Бунинг учун ўзга кўз бўлиши керак. Кўра билсангиз, таассуротингиз шунчалар бой бўлади. Аммо бу, бир қараганда оддий кўринади ҳалос. Аслида эса чуқур, мураккаб ва захматли жараён. Бу борада «оригиналлик қилиш» хавфи ҳам бор. Бундан эҳтиёт бўлиш яхши. Шунинг учун биз ҳатти-ҳаракат ҳақида гапирганимизда унда албатта, кутилмаганлик қонуниятининг мантиғи бўлишига эътибор қаратаймиз.

Сахнавий ҳатти-ҳаракатнинг яна бир қонуни: Бизга маълумки, сахна ҳатти-ҳаракати ҳамма вақт фаол акциядир. Бу ўринда акт–актёр–фаоллик–акция деган сўзларга диққат қилишларини истардик.

Ҳаётда ҳатти-ҳаракат фаоллиги ҳар қандай даражада ўзининг кескинлиги, вазни, кўриниши, кўзга ташланиши ва ички кучида намоён бўлади. Сахнада эса буларнинг ҳаммаси ўзининг энг юқори даражасига етган ҳолатда кечади. Яъни, сахна ҳатти-ҳаракатни максимал кескинлашувини талаб қилади.

Кўпчиллик одам учун сахнада инсон кескин ҳатти-ҳаракат қилади деган фикр хатодек туюлади. Аммо ҳатти-ҳаракат ҳам ҳар қандай даражада, ҳар қандай режимда ва оқибатда, ҳар қандай кўринишда бўлади.

К.С.Станиславский «Ҳатти-ҳаракат ритмини 0 дан 10 гача» деб олади. Яъни, одам гўё ҳатти-ҳаракатсиз ҳолатда бўлганида ташқи кўринишдан пассив бўлиб кўринганда ҳам барибир унинг ҳатти - ҳаракатлари давом этаётгандек бўлади. Пассив кўринади ҳолос, аслида эса пассивлашмайди. Гўё пассив ҳолатни берувчи шарт–шароитлар ҳатти-ҳаракатни тўхтатмайди. Олинг масалан, муаллиф ўз пьесасида ҳатти-ҳаракатсиз диалог ёзган бўлиши мумкин. Аммо бу ташқи кўринишда статик ҳолга ўхшайди. Ички ҳолатда эса у ерда ўта кескинлашган ҳатти-ҳаракат мавжуддир. Зеро чуқур зиддиятга эга бўлган ҳати -ҳаракат бўлиши мумкин. Бу ерда энг асосий ҳатти-ҳаракат билан ритмнинг мутаносиблигидир.

Агар ҳаётда шундай ҳолатлар юз берса биз ўзимиз уни яхши билмаймиз. Диққатга сазавор томони шундаки, худди шу пайтда бизнинг ички тўлганимиз энг юқори нуқтасига чиқади. Чунки биз ўша, нима истаётганимизни англамоқчи, уни топмоқчи бўлиб, бутун руҳий кучимизни ишга солиб ҳаракат қиламиз. Дам олишимизда ҳам, сокинлик ҳолатимизда ҳам, сахнада ҳамма вақт кучли кураш ва кескин ҳатти-ҳаракатларда бўлади.

Сахна ҳатти ҳаракатининг булардан ташқари яна бир қонуни бор. У саралаш қонунидир.

Ҳаётдаги ҳар қандай ҳолатни сахнага олиб чиқиб бўлмайди. Сахна бу борада ижодкорлардан юқори дид ва савияни талаб қилади. Ҳатти-ҳаракат куриляётган ҳар қандай сахна асарида шуни унутмаслик керак, акс ҳолда

кош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиш мумкин. Шу билан бирга ҳар қандай асар ниҳоясида умуминсоний ғоя, эзгуликка интилиш ётмоғи лозим. Турган гап, ҳаётнинг қора, жирканч томонларини очиб бериш ҳам биз санъаткорларнинг вазифаларимиздан биридир. Аммо шунинг ўзи мақсад бўлиб қолмаслиги керак. Ҳар қандай асар ортига яширинган инсонга меҳр ва муҳаббат туйғуларини топмоқлик керак.

Билим ва зехн, дид ва савия ҳатти-ҳаракатни саралаш жараёнида жуда катта аҳамият касб этувчи омиллардандир.

Кунлардан бир куни машҳур ҳайкалтарош Родендан «Сиз қандай қилиб ўз ҳайкалларингизни яратасиз?» - деб сўрашибди. «Бу жуда осон иш. қўлимга болтани оламану харсангдаги ҳар қандай ортикча бўлган жойларини чопиб олиб ташлайман», - деб жавоб берибди у.

Бу фикр В.Э.Мейерхолднинг «Инкор қилиш эффекти» деган назариясига ҳамоҳанг келади. Бу фикрни давом эттириб шуни айтиш мумкинки, инсон руҳияти шундайки, у ўзини яхлит ҳолатини, эришилган вазиятини ўзгаришини истамайди. Албатта, бу ўз-ўзлигини сақлаб қолиш учун керак бўлган хусусиятлар. Шунинг учун кескин ўзгаришлар талаб қиладиган шарт-шароитларда, эришилган ҳолатини сақлаб қолмоқчи, бундан ташқари босиб келаётган янги шарт-шароитни енгмоқчи бўлади. Шунинг учун аввал ҳозирги ҳолатини сақлаб қоладиган йўллари излайди, шу тариқа, енгиб бўлмайдиган тазйиқ кучи таъсиридан шу шарт-шароит билан курашишга мажбур бўлади.

Умуман олганда, инкор қилиш қонуни икки поғонадан иборат. Биринчиси, ички, психологик кураш бўлса, иккинчиси ташқи физик қарама-қаршиликларни енгилшга ҳаракат қилишдир.

Агарда сахнада инсоннинг бу психологик хусусияти унутилса, ҳаётий ҳатти-ҳаракат асослари йўқолади. Оқибатда ҳатти-ҳаракат ўзининг мураккаблигини йўқотиб, ўта жўнлашиб қолади. Ҳарқандай шарт-шароит ички курашсиз тўғридан-тўғри қабул қилина бошланади.

Театрнинг энг катта душмани услубиятни терминология билан алмаштиришдир.

Бизга маълумки, ҳатти-ҳаракат ижодий актнинг қонуни бўлиб, у ҳар қандай эстетикага калит бўла олади. Тизимнинг услубияти ҳамма тарафлама психология, физиология ва инсоннинг ҳаётда органик яшаш қонуниятларини ўрганишга асосланган. Ҳатти-ҳаракат тушунчалари айнан шу қонунларга бўйсунади. Аслини олганда ҳам К.С.Станиславский тизимининг элементлари ҳам ҳатти-ҳаракат элементларига асослангандир. Бу-инсоннинг ўзини ҳаётда табиий тутиш қоидалари бўлиб, уларга сахнада ҳам амал қилиш керак деган гап. Улар ҳаётда ҳам, сахнада ҳам бир хил қонунлар саналади. Чунки, ҳаётий ҳақиқат театр санъатидаги лозим бўлган шартдир. Бу муаммолар эса ўз ўрнида бадиий образда ҳаётий ҳақиқатга қаратилгандир.

Ҳатти-ҳаракат кичкинагина бўлса ҳам у ҳаётий босқичлар билан ўлчанади. Ҳаётнинг тизими ҳам ҳатти-ҳаракатли, ҳам томошавийдир. Бутун бизнинг ҳаётимиз, нималардир содир бўлишидан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда воқеликлардан иборатдир. Воқелик эса ҳаётимизнинг бош

тизимидир. ғиштан иморат қурилгани каби, ҳаётимиз ҳам воқеликдан таркиб топган.

САҲНАВИЙ УЙҒУНЛИК:Бадиий образнинг тўртинчи таркибий қисми – бу, юқоридаги уч компонентнинг уйғунлашуви яъни, гармониядир. Буни англашга, «санъатнинг энг нозик сирларини» ечиш учун режиссёр санъаткорона бадиий истеъдодга эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда ўша, А.П.Чехов наздидаги «сал-салгина» (чут-чут) деган ибораси санъатни санъат даражасига кўтаради.

Уйғунликнинг биринчи шarti гўзалликдир. Бу гўзаллик нафақат санъатга, балки илм ва фанга ҳам алоқадор бўлиб, биз бу ерда кўпчиликка маълум бир «ривоят»ни келтирмоқчимиз. Бу машҳур авиаконструктор А.А.Туполевнинг янги тип самолётнинг лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бўлиб ўтган ҳаётӣ воқеадир.

Турли соҳалардаги мутахассислар ва ходимлар ўз ишлари, юмушлари билан банд. Улар янги самолёт модели устида тажриба олиб боришяпти. Ҳамма ўзига тегишли бўлакларни яхлит ҳолатга келтириб А.Туполевга экранда кўрсатишади. Экранда бир неча юз бўлаклар яхлит ҳолатга келтирилади. Икки юздан ортиқ ходимлар сукут сақлаб экранни кузатишади. Бу сукут қирқ дақиқадан ортиқ давом этади. Ниҳоят А.Туполев кўрсатгични олиб экрандаги моделнинг хато жойларини бенуқсон, аниқ кўрсатиб беради. Шунда лол қолган ходимлар... Қандай қилиб биз ойлар давомида ҳособ китоб қилиб чиққан нарсани, сиз бир зумда ечдингиз? – деб, сўрашади.

- Бу ерда ҳеч қандай сир-синоат йўқ, кўриниб турибдики гўзаллик бузилган, -деб жавоб беради А.А.Туполев,- демак, ҳисоб–китобларингизда хатоликлар бор. Чунки, бўлакларнинг монандлиги йўқ, ҳамоҳанглик бузилган.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, мутаносиблик ўта гўзал ва жозибали синоатдир. Демак, бадиий образ ўз гўзаллигида таъсирчан ва «юқувчан» бўлиши лозим. Бу хусусият театр санъатига ҳам алоқадордир. Чунки, бадиий образнинг яна бир таркибий қисми унинг таъсирчанлик кучига эга бўлиши, инсонга завқ бағишлай олиши билан белгиланади.

Бадиий образлар ҳар хил йўл билан бунёд қилинади, бунинг учун турли воситалар ишлатилади. Санъатнинг хилма-хил турлари ҳам айнан ана шундай ҳолатда дунёга келади.

Таянч иборалар:

Образ, саралаш, мажозий, истиора, аксюмарон, ребус, фаоллик.

Савол ва топшириқлар:

- 1.Метафора нима?
- 2 Аллегория нима?
- 3 Аксюмаронга мисоллар келтиринг.

Адабиётлар рўйхати:

10. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
11. М.Умаров. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
Ж.Маҳмудов. “Актёрлик маҳорати”. Тошкент: Билим, 2005.
12. Юсупова М.Р. “Упражнения по актёрскому тренингу”. Т.: ЎзДСИ босмахонаси. 2005.
13. Ш.С.Ҳамидова. “Эстрада театри ва унинг жанрлари”. Т.: 2009.
14. Ж.Маҳмудов, Х.Маҳмудова. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
15. Зиё.нет.
16. [хтtp://www.театр.ру](http://www.театр.ру)

Мавзу: Драматургия театр санъати асоси сифатида

Режа:

1. Театр санъати тарихи
2. Драматургиянинг қонун-қоидалари
3. Режиссёрнинг бадиий асар устида ишлаши

Театр санъати қадим - қадимдан ўз муаллифларига эга. Неча асрлардан бери драматурглар театр учун асарлар ёзишган. Антик давр, ўрта асрлар, уйғониш давридан то шу кунга қадар ҳам машҳур театр драматурглари сахна асарларини яратишди. Эсхил, Еврипид, Лопе де Вега, Мольер, Шекспир, Голдони, Шиллер, Чехов, Горкий, Ҳамза ва бошқалар. Драматургиянинг ўз қонун-қоидалари, сир-асрорлари ташкил топди. Фожиали, кулгули, драматик жанрлар, қайғули, хурсандчилик томошалари ва бошқалар. Ҳар бир даврнинг ўз эстетикаси, ўз талаблари бор. Бир неча аср аввал асарлар 4-5 пардали қилиб ёзилган бўлса, сўнгги аср ўрталарига келиб бир танаффусли, икки пардали асарлар театр сахнасини эгаллади. Ўтган аср, -30-40-50 йилларида томошабинлар 2-3 танаффусли сахна асарларини сахна безаклари алмашилиб парда очилгунча кутишган. Спектакль кечаси соат ўн икки-бирда тугаб, томошабин мириқиб томошадан қайтган бўлса, тезкор замон тақозоси билан томошабин вақтини тежаш мақсадида бир танаффусли ёки танаффуссиз асарлар сахналаштира бошланди. Санъат турларининг бир-бирига таъсири намоён бўлди. Агар кинотомошабин бир ярим соат ичида якунланган мавзунини томоша қилиб чиқса, театр ҳам йирик мумтоз сахна асарларини давр эҳтиёжига қараб қисқартириб асар қаймоғини кўрсата бошлади. Воқеалар кечадиган жойларни мажозий тимсоллар, шартли безаклар билан

томошабинга ҳавола қилинадиган бўлди. Вақт, жой ва ҳаракат бирлиги театр санъати учун катта рол ўйнади. Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, Иззат Султоннинг “Имон”, Уйғуннинг “Қотил”, Шароф Бошбековнинг “Темир хотин”, “Тошкентга саёҳат”, Машраб Бобоевнинг “Турунг” каби асарлари шулар жумласидандир.

Муаллифнинг ҳар бир асари режиссёр талқинига боғлиқ. Режиссёр ҳам спектакль муаллифи ҳисобланади. Қоғоздаги сўзларга жон ато қилган, унга умр берган, ўз зақоси билан жонли сахна асарини ижодий жамоа билан яратган режиссёр ҳисобланади. Режиссёр ва муаллиф бирлиги маслакдошлиги катта рол ўйнайди. Режиссёр дарди драматург дарди билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Станиславскийнинг Чехов ва Горкий билан яқинлиги, Маннон Уйғурнинг Ҳамза билан маслакдошлиги, Тошхўжа Хўжаевнинг Ойбек, Эркин Воҳидов билан ҳамкорлиги, Баҳодир Йўлдошевнинг Саид Аҳмад билан, Рустам Ҳамидовнинг Ўлмас Умарбеков билан изланишидан ажойиб сахна асарлари яратилди. Баъзи режиссёрлар муаллиф танламайди, дуч келган асарни сахналаштиради. Бундай режиссёрлар ижодни касбга алмаштирган, у асардан бу асарга ўзини такрорлайдиган хунарманд режиссёрлардир. Айримларга воқеа қаерда кечади, қачон кечади, тарихийми, замонавийми фарқи йўқ, ўз услуби тайёр қолипи бор, сахналаштираверади. Бу ўз навбатида томошабин қалбини жиз эттирмайди, ларзага солмайди, ҳафсаласи пир бўлиб театрни тарк этади. Қарс икки қўлдан деганидай драматург ўйлаб топган мавзу, матн, қоғоздаги қиёфалар режиссёр сайи-ҳаракати туфайлигина жонланади, ҳаётий ҳақиқатга айланади, томошабин ларзага тушади, маънавий камол топади. Театр санъати- шартли санъат. Сахнага ҳақиқий дарахтни, пахса деворни олиб чиқиб бўлмайди. Томошабин чизилган жиҳозларни, ясама реквизитларни тушунади, ҳамма гап ижрода, унинг ишонарли жонли ва ҳаётий чиқишида, талқинида. Томошабин театрга нега тушади? Актёрнинг жонли ижроси, уни юзма-юз туриб томоша қилиш, ҳар гал янги ҳолат, янгича рух, ҳарорат ўзига жалб қилаверади. Қиёфалар турланиши, воқеалар ривожини, ижрочиларнинг

хар сафар ролга ўзини бахшида қилиши томошабинни ўз домига тортаверади. Театрнинг жозибаси ҳам шунда. Баъзилар телевидение пайдо бўлгандан кейин театр ўлади деб башорат қилган эдилар, йўқ театр ўз жонли меҳригиёси - ижроси билан абадий санъат эканлигини исбот қилди. Кино ва телевидениенинг равнакига қарамай кейинги йилларда томошабин театрга яна оқиб кела бошлади.

Тўғри, театр санъати асрлар давомида кутининг ичида қолиб кетаверди, янги техник имкониятлар яратилмади. Энди-энди театр томошалари очик майдонга чиқа бошлади. Бу эса ўз навбатида режиссёрларга янги имкониятлар яратди. Тўрт деворнинг ичида қолган театр санъати, янги кино санъатининг пайдо бўлишига олиб келди. Драматург ва режиссёр театрда қила олмаган ижод маҳсулини кино санъатида амалга оширди. Кинода воқеалар кўламининг кенглиги, вақт чексизлиги сценарист учун ҳам режиссёр учун ҳам катта шароитларни туғдирди.

Театрдаги режиссёр билан драматург ҳамкорлиги кино санъатида режиссёр ва сценарий муаллифи ҳамкорлигига айланди. Театрдаги каби кинода ҳам режиссёр фильм муаллифи ҳисобланади. Кинодраматург ўйлаб топган воқеаларни жонлантирадиган, уни кўримли томошага айлантирадиган шахс бу кино режиссёрдир. Театр санъатини синтетик санъат дедик. Кино ҳам театр каби синтетик санъат ҳисобланади. Театрдаги актёр, рассом, бастакор, чироқчи, либосчи, пардозчи, реквизитлар туфайли спектакль бунёдга келса, кинода бундан ҳам мураккаброқ уларга қўшимча тасвирчи-оператор, ассистент, овоз оператори, монтажчи, лаблаштирувчи ва бошқа қатор техник ходимлар туфайли фильм вужудга келади. Ёз демай, қиш демай, кеч демай, кундуз демай машаққатли меҳнат, жуда катта ижодий жамоанинг бирлиги сабабли кинофильм дунёга келади, томошабин юзини кўради. “Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Ўтган кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмлар мана шундай машаққатлар эвазига бунёд этилди. Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Малик Қаюмов, Шухрат Аббосов кино санъатимизнинг

дарға режиссёрлари ҳисобланади. Бу режиссёрлар кино санъатининг қонуниятлари, сир-асрорларини яхши билганликлари учун, кинодраматурглар билан ҳаммаслақ бўлиб ишлаганликлари учун ана шундай жаҳонга машҳур фильмлар яратдилар. Неча йиллар ўтса ҳам бу фильмларни қайта-қайта кўргинг келаверади. Кино санъатининг ажойиб ҳислати ҳам мана шунда. У лентага муҳрланган. Тасмада сақланаяпти. Уни такрор ва такрор кўра оламиз. Театр санъатининг фожиаи шундаки, уни ҳар куни муҳрлаб бўлмайди, ҳар кунги жонли ижрони сақлаб қололмаймиз. Бир марта муҳрландими, тасмага туширилдими, шу қолади. Ҳозирги электрон техника тараққиётини афсуски ўтган аср ўрталаридаги буюқ санъаткорлар кўра олишмади. Маннон Уйғур, Мария Кузнетсова, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидотовларнинг юксак даражада яратган жонли қиёфа ва спектакллари сақланиб қолмади, айрим хроникадаги лавҳалар, урвоқ кадрларгина хотира сифатида қолди. Театрдаги машҳур спектакллар айрим сураатлар орқалигина кўз олдимизда гавдаланади, режиссёр ва драматург ҳамкорлигини тасаввур қиламиз.

Оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши, электрон техниканинг кескин ривожини театрға ҳам, киноға ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Режиссёр ва драматург ҳамкорлигининг янги қирралари очилди. Авваллари театр ва кино санъатида амалга ошмаган мўъжаз фильмлар, кичик новеллалар, узундан-узун сериаллар, ҳужжатли экран асарлари, публицистик жанрлар, фильм портретлар, кундалик информацион кўрсатувлар XX аср мўъжизаси телевидение туфайли дунёга келди ва ривож топди. Телевидение ва радио кирмаган хонадон қолмади.

Режиссёрнинг бадиий асар устида ишлаши

Буюқ ёзувчилар буюқ режиссёр бўлади, дер эди устозим. Дарҳақиқат Шекспир ҳам, Балзак ҳам, Лев Толстой ҳам, Абдулла Қодирий ҳам буюқ режиссёрлардир. Уларнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сахнаси, сўзи замирида ётган фикрлар режиссёр учун катта бир маънавий озуқа, сахналаштиришнинг улкан имкониятларини яратиб беради, тасаввурингизда, кўз олдингизда ўз-

Ўзидан воқеалар тизмаси жонланиб намоён бўлаверади. Сиз уни муаллиф услубини, олдига қўйган мақсад, ниятларини бузмаган ҳолда рўёбга чиқарсангиз бас, шунинг ўзи етади. Тўғри, режиссёр ижодкор шахс сифатида ўзининг “мен”и, муаллифга муносабати, даврга ҳамоҳанглиги, аввал очилмаган қирраларни асардан топиши, янги ёндашувни замондошга изҳор қилиши, уни ларзага келтириши лозим. Аммо кўпинча режиссёрлар ўзини намоён қилиб, “мен”и бўртиб, муаллифнинг фикри-зикри иккинчи даражали бўлиб қолаётган ҳоллари учраб турибди. Мен мумтоз асарларга ҳар гал янгича ифода топиб янги талқинда томошабинга ҳавола этилган спектаклларни кўриб, ҳайратга тушганман. “Ревизор”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қутлуғ қон”, “Келинлар қўзғолони”, “Қиёмат қарз” шулар жумласидандир. Асарларни саҳналаштиришда режиссёр ёзувчининг бирон сўзини ўзгартирмай янги қатлам фикрларни топа билган. Талқинда гап кўп. Режиссёр бир асарни ҳар аснода кўриши, ўзига керакли дурни топиб олиши мумкин. Иккинчи жаҳон урушида Александр Корнейчукнинг “Фронт” асари саҳналаштирилган. Асар қаҳрамонлари, совет зобитлари ва аскарлари немисга қарши курашади. “Совет”да қўйилган бу асар ватанпарварлик руҳида тайёрланиб душманга нафрат уйғотган. Айнан шу асарни Германияда саҳналаштирилиб биронта сўзини ўзгартирмасдан кўрсатишган. Натижада немис зобитлари ақлли, идрокли, совет зобитлари аҳмоқ, лақма сифатида намоёиш қилинган. Фарқ услубда, ижро оҳангида, талқинда. Демак, асарнинг қўйилишида гап кўп экан. Режиссёр қандай қўйса, томошабинга қандай ҳавола қилса, шундай таассурот қолар экан. Драматург ёзади, муаллиф ҳам ўзи. Лекин саҳналаштирилган асар – спектакль муаллифи режиссёрдир. Қоғоздаги муаллиф дарди билан саҳнада жонланган режиссёр дарди ҳамоҳанг бўлиб, уйғунлашиб кетса, маслак бир жойдан чиқса, асар муваффақияти, узоқ умр кўриши шундан бўлади.

Баҳром Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” драмаси бўларди. Таниқли бўлмаган драматург, машҳур бўлмаган асар, шу асарга жон ато қилган, уни машҳур қилган режиссёр Тошхўжа Хўжаев бўлади. Ажойиб шоир Эркин

Воҳидов “Олтин девор”нинг қораламасини театрга олиб келганида, унга ишлов берган, кўримли томошага айлантирган, ҳозирга қадар сахнадан тушмайдиган комедияни вужудга келтирган, шоирни драматург қилган - Тошхўжа Хўжаев бўлади. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” асарини сахналаштираётганда, машқ жараёнида залда ўтирган Ойбек сахнадаги безак, ижро маҳоратини кўриб, ижод жараёнининг кетишига қараб неча бор режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг елкасига қоқиб қойил қолганини, тасаннолар айтганининг шоҳиди бўлганман. Драматург Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари ёзилганида, қатор театрлар уни сахналаштирди. Бири комедия, бири фарс қилиб ижро этди. Лекин кулгу тагида ижтимоий фожиа ётганлигини режиссёр Олимжон Салимов илғади. Бир куни Шароф Бошбеков “Маҳкам ака, асаримни Фарғонада Олимжон Салимов кўнглимдагидай сахналаштирибди”, деб тан олди. Муаллиф дарди, режиссёр дарди бир ердан чиқди. Қарс икки кўлдан деганидай, драматургнинг қочиримларини, кулгу тагида йиғи борлигини режиссёр англай билган ва уни моҳирона ижрода рўёбга чиқарган.

Пьеса бирламчи, спектакль иккиламчи ҳисобланади. Атайин сахнага ёзилган асарлар бор: драма, комедия, трагедия, опера, оперетта, мусиқали драма ва ҳоказолар. Сахнага мослаштирилган (адаптация) асарлар ҳам бор: роман, қисса, новелла инсценировкалари.

Бадий асар устида ишлаганда режиссёр биринчи ҳолатда асар мавзуси, ғояси, шу кун учун долзарблилиги устида бош қотириши, томошабинга қандай маънавий озуқа бериши ҳақида ўйлаши керак.

Биз биламиз, барча бадий асар - тўқима, ёзувчи, драматург хаёлотида ўйлаб топилган ҳаётий лавҳалар. Бу бадий тўқималар ростга айланиши керак. Бу ўз йўлида муаллиф маҳоратига боғлиқ. Муаллиф гоҳ тарихий, гоҳ ижтимоий, гоҳ маиший мавзуга мурожаат қилар экан, инсоний муаммоларни рост, ишонарли қилиб драматургия қонунларига мослаб ёзмоғи керак.

Буюк шоир А.С.Пушкин “тўқималаримдан ўз ашкимга чулғанаман”, - деб ёзади. Тўқиманинг ростлиги шоирни ларзага солади. Ёзувчи шу бугунги

муаммолар ечимини бошқа даврлардан қидиради, мурожаат қилади. Шекспир Англияда содир бўлаётган қусурларга жавобни бошқа асрдан, ўтган замонлардан топади. Абдулла Қодирий ҳам шундай мавзуни ўтган замонлардан бошлайди. Бадиий тўқима ёзувчи иқтидорига, ҳаёлот дунёсига боғлиқ. Бу санъатга хос бўлган хусусиятдир.

Умуминсоний абадий мавзулар, муаммолар бор: муҳаббат, нафрат, ўлим, ҳасад, рашк кабилар ҳеч қачон ўлмайди. Инсоний хислатлар, эзгулик ва ёвузлик, итоат ва такаббурлик, меҳр ва шафқатсизлик, донолик ва нодонлик, саҳийлик ва ҳасислик, инсоннинг барча ҳис-туйғулари асарларда ўз ифодасини топсин. Ўткинчи, кундалик мавзулар бор: улар шароитдан, вазиятдан келиб чиқиб ёзилган тезпишар асарлар. Булар тез эскиради ва назардан тушиб қолади.

Яқин ўтмишда ёзилган ва ўша даврни улуғлаган кўпгина саҳна асарлари ҳозир кераксиз бўлиб қолди. Режиссёр асар танлар экан, мана шу нарсаларга эътибор бериши керак. Бундан ташқари ҳар бир ёзувчининг ўзига хос хусусиятлари, ёзиш услублари мавжуд. Масалан, Ойбекни Абдулла Қаҳҳордан, Абдулла Қодирийни Тоғай Муроддан тили, услуби, тасвир ифодалари, қиёфалари билан бемалол ажрим қилиш мумкин. Режиссёр ёзувчининг нимага қодир эканлигини, ўзига хослиги нимадалигини, қайси жиҳатлари билан ажралиб туришини аниқлаб олиш лозим. Демак ёзувчи - драматург қаҳрамонлар нимани гапираётганини ёзади, режиссёр қандай гапираётганини очиб беради. Баъзан драматург режиссёрга ёрдам бўлсин учун воқеа содир бўлаётган жойларни ипидан игнасиғача луқмаларда (реплика) тафсилотини беради. Баъзан ёзувчи режиссёрнинг ўзига талқинни ҳавола қилади. Муаллиф руҳиятини, унга яширинган муддаони режиссёр илғаш, топиши керак бўлади.

А.П.Чехов, М.Горкий ўз пьесаларини комедия деб ёзади. Аслида унинг замирида драматик ҳолатлар, фожиалар ётган бўлади. Режиссёр муаллиф ижодини, дунёқарашини, унинг кайфиятини, услубиятини чуқур ўрганган, асарни саҳналаштирганга қадар ўзига хослик томонларини яққол англаган

бўлади. Баъзан битта мавзуни бир неча муаллиф ўз ижодида қаламга олади. Масалан, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Саббаъи сайёр”, “Садди Искандарий” ва ҳоказолар. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий нега бу мавзуларга қўл урган, версиялар турлича, ёндашувлардаги тафовут нимада? Бошқа манбалардаги фарқ ва охир-оқибат режиссёр бу асарни сахналаштиришдан мақсад шахс сифатида нима демокчи, қандай янги гап айтмоқчи, мана шу ҳолатлар режада ўз ифодасини топсин. Пьеса адабий маҳсул, уни ўқиш мумкин. Режиссёр унга ҳаёт бағишлайди, мураккаб ижодий жараёни бошдан кечиради. Сахнада санъат маҳсулини, томошабинга мўлжалланган жонли маҳсулни рўёбга чиқаради. Бу маҳсул – спектакль томошабин виждонини ғулғулага солсин, қалбини жунбушга келтирсин.

Шу ўринда адабий маҳсулнинг сифати, кўтарган юки, берадиган маънавий озуқаси ҳақида режиссёр муносабатини ўйлаб кўрсак. Сўнгги вақтларда сахнани, киноэкранни, телевизион эфирни ўта жўн, саёз, бир кўримли “асар”лар тўлдириб кетди. Театрга, кинога кирган, телевизорни томоша қилган томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлаяпти. Бу нима? Ҳақиқий санъатга бўлган талабнинг сусайишими? Томошабин диди ўтмаслашганими? Юксак санъат намуналари қаерда қолди? Бир домлам “сарёғ турган жойда маргаринни еб нима қиламиз” , деган эди. Юксак адабий асарлар, ҳақиқий ижод намуналари турган жойда биз ўртамиёна, томошабинга ҳеч нарса бермайдиган “асар”ларни сахналаштириб, экранлаштириб, эфирга узатиб нима қиламиз. Менимча ҳақиқий режиссёр бадиий асар танлашда, унинг устида ишлашда мана шунга эътибор бериши керак. Агар санъатнинг бурчи юксак савияли баркамол инсонни тарбиялаш бўлса режиссёр келгуси авлод олдида, унинг дунёқараши, савияси олдида ўта масъул эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Режиссурада воқеалар занжирини аниқлаш

Айтайлик, режиссёр сахналаштириш учун машҳур Н.В.Гоголнинг “Ревизор” асарини танлади. Дейлик бу асар ўлмас асар, неча замонлар ўтса

хам такрор ва такрор сахналаштирилаверади. Кўп режиссёрлар бу асарга мурожаат қилаверади. Айтишларича, асар ғоясини Гоголга Пушкин берган экан. Дафтар хошиясига “Шаҳарга ревизор келди” деб дастхатини ёзган, буёғини Гогол юксак маҳорат билан давом эттирган экан.

Дастлаб режиссёр асарни мутолаа қилиб пьеса билан танишгандан сўнг миясида бутун асарни таҳлил қилиб чиқади. Ҳар бир сахнада нима содир бўлди, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати берилган ҳолатни аниқлайди, жой ҳақида тушунча ҳосил бўлади. Россиянинг ўрта минтақаларига мансуб чекка вилоятларидан бирида Санк-Петербургдан анча воқеалар бўлаётганини белгилайди. XIX асрнинг биринчи чорагида шаҳарда ҳукм сураётган ўзбошимчалик, халққа бўлган жабр-ситам, бедодлик, ҳоким бошлиқ амалдорларнинг қилмиш-қидирмишлари бутун асар жараёнида яққол очилади. Ҳокимдан тортиб барча давлат хизматида ўтирган амалдорлар жиноят ботқоғига ботиб қолганлигини, порахўрлик авж олганини, вазият кескин бир ҳолатда шаҳарни “тафтиш” қилгани пойтахтдан тўсатдан махфий ревизор келганлиги тўғрисидаги хабар барчани беҳосдан ғафлатда қолдирганлигининг гувоҳи бўласиз. Натижада бутун сахналарда яширин ва сирли келган “тафтишчи” олдида даҳшатли ваҳимали ва таҳликали ҳукм суради. Яқинлашиб келаётган ҳалокат олдида мактаб нозирларидан тортиб помешчиклар, почта мудир, судья, шаҳар мўътабар ишларию миршабларигача ўзини қутқариш хатти-ҳаракатига тушиб қолади. Махфий “тафтишчи” тўғрисидаги хабар шаҳар ҳокимининг тунни уйқусиз ўтказиб тонг саҳардан шаҳар кезиши, расвогарчиликларга барҳам бериш мақсадида амалдорларини чақириб огоҳлантириши ва ҳушёрликка, ўта эҳтиётликка чақирishi билан парда очилади. Махфий ревизор шаҳарда юрганлиги тўғрисидаги хабар вазиятни кескинлаштиради, ҳокимдан тортиб барчани хавф остига қўяди.

Қилинаётган бедодликлар, ҳукм сураётган жиноятлар ошкора бўлишидан чўчийди, қўрқади. Асаблар таранг, бир-бирини сотиб қўйиш

хавфи кучли, қандай бўлмасин махфий ревизор олдида ўзини асраб қолиш, кутқариб қолиш ташвишида, ният бошга тушган кулфатдан халос бўлиш.

Режиссёрга қуйидаги воқеалар тизмаси аниқ бўлади:

1. Шаҳар ҳокими ва амалдорлар ревизор келишини кутаяпти.
2. Бобчинский билан Добчинский ревизор шаҳарда эканлигини хбар беради.
3. Ревизор билан шахсан учрашиш учун ҳоким меҳмонхонага жўнайди.
4. Хлестаков қорни оч, нима қиларини билмай ўзини меҳмонхонадан ҳайдаб қамаб қўйишларни кутиб ўтирибди.
5. Хлестаков меҳмонхонага ҳокимнинг кириб келишини уни қамаш учун келган деб қабул қилади ва ўзини кутқариш мақсадида ҳокимга ҳамла қилади.
6. Хлестаковнинг ҳамласини шаҳар ҳокими бутун бемазагарчиликлар аён бўлиб қолибди деб фаҳмлаб унга абжирлик билан пора беради ва хонадонига меҳмонга таклиф қилади.
7. Порани олиб, очлик мушкулидан қутилган Хлестаков, амалдорлар авзойини сезиб ўз тасаввурига эрк беради, ўз аҳволотидан қутилиш ниятида ёлғонни дўндира бошлайди ва бу ёлғонга ўзи ҳам ишона бошлайди.
8. Амалдорлар Хлестаковга пора бериб, ўзларига мойил қила бошлайдилар.
9. Шаҳар фуқароси ҳокимнинг бебошликларидан Хлестаковга арз-дод қилишади.
10. Хлестаков чўнтакни пулга тўлдириб, хотинларнинг кўнглини овлаб, ҳокимнинг қизига уйланишни ваъда бериб, хизматкори Осип билан жўнаб қолади. Ҳоким ўз мартабасида қолганлигидан хурсанд, ревизордан ғолиб чиққанлигидан тантана қилади.
11. Хлестаковнинг петербурглик дўсти Тряпичкинга амалдорларнинг аҳмоқлигидан кулиб, ҳокимнинг кирдикорларини фош қилиб ёзган номасини почта мудир келтиради, Хлестаковнинг ким эканлиги ошкора бўлади.
12. Ҳоким ва барча меҳмонлар даҳшатга тушган, ҳамма айбдорни қидира бошлайди.
13. Ҳақиқий ёрлик билан ревизорни шаҳарга келганлигини жандарм хабар қилади.

Режиссёр мана шу воқеалар занжиридан келиб чиқиб асосий йирик воқеаларни аниқлайди.

1. Ҳоким шаҳарга махфий ревизор келишидан хабар топади ва у ревизор келганлигидан воқиф бўлади.
2. Хлестаков очликдан қамалишини кутиб ётибди.
3. Ҳоким пора билан Хлестаковни осонгина ўзига оғдириб олади.
4. Хлестаков ўзига бўлган тавозе эҳтиромни кзриб ҳоким ва амалдорларни гулгулага солади.

5. Пулларни олиб , уйланишни ваъда бериб, Хлестаков жўнаб қолади.
6. Ҳоким ўз мартабасини нишонламоқда.
7. Хлестаковнинг кимлиги ошкор бўлади.
8. Ҳақиқий ревизор ташриф буюради.

Режиссёр бу воқеаларни янада йирик воқеаларга ажратади:

1. Ҳадикдаги шаҳар ҳокими петербурглик ўткинчини ревизор кўринишида қабул қилади.
2. Ҳокимнинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб хлестаков чўнтакни қаппайтириб, маишатини қилиб жўнаб қолади.
3. Ҳоким шарманда шошқалоқлигидан, ўз довдирлигидан жазосини олади.

Биз буюк Гоголнинг жаҳолат ботқоғига ботган амалдорларнинг устидан захарханда кулгусини, порахўрлик асосий мезонга айланган якка ҳокимлик россиясини ҳажв тиғига олганлигини кўрамиз. Гогол Россиядаги барча ярамас иллатларни бир жойга тўплаб тимсолга айлантиради, жамият баданига тушган қурт каби нафс бандаларининг кирдикорларини фош қилади.

Бутун мавзу мана шу уч жумла билан очилди. Асарнинг қарама-қаршиликлари, тўқнашувлар таҳлил жараёнида равонлашади. Режиссёр воқеалар занжирини илғаши, аар қурилмасини аниқ кўз олдига келтириши керак. Пьесанинг композицион тузилишида тугун, мавзунинг ривожланиб бориши, воқеаларнинг энг юқори чўққиси ҳамда уларнинг ечими режиссёрнинг сахнада урғу берадиган ҳолатларидир. Булар мантикий таҳлил жараёнида аниқ бўлмасдан режиссёр сахналаштиришни бошлай олмайди. Яна бир воқеа занжирини аниқлаб кўрайлик.

Биз буюк Шекспирнинг ўлмас асарларини ҳамиша мириқиб томоша қиламиз. Ҳар бир давр унинг асарларига мурожаат қилади ва ўзича талқин қилади. Масалан, “Ромео ва Жулетта” фожеаси. Бу асар фильм қилинган, сахналаштирилган, ҳатто яқинда ўзбекча версияси кино қилинди. Аслида Шекспир бўйича воқеалар кечмиши қандай бўлган ва бу воқеаларни ўтишига нима сабаб бўлган?

Биз қараб чиқайлик:

1. Веррона кўчасида фавқулодда жанжал чиқади ва муштлашишга айланади, дастлаб хизматкорлар орасида, кейин адвокат Монтекки ва Капулетти оиласи орасида авжига чиқади.

2. Монтекки қабиласига мансуб ўсмир Ромео тонг саҳарда Веррона чеккаисдаги дарахтзорда Розалинда ишқида кезиб юрибди. Ромеонинг дўсти Бенвенио уни бу ғуссадан чалғитишга ҳаракат қилади.
3. Капулетти ўз қизи Жулеттани Парисга бериш ниятида. Парис Капулеттининг розилигига эришмоқчи.
4. Капулеттининг балга таклифи ва тайёргарлиги.
5. Жулеттанинг онаси Капулеттихоним куёв билан учрашувга тайёргарлик кўришмоқда.
6. Ромеонинг Меркусио, Бенвенио ва дўстлари билан балга келиши.
7. Бал. Ромеонинг Тибалт билан тўқнашуви ва Жулетта билан Ромео учрашуви. Тибалтнинг балда жанжал чиқариш нияти. Капулеттининг Тибалтни тинчитиши.
8. Капулетти хонадонининг боғи. Тунги учрашув.
9. Ромеонинг руҳонийдан мадад излаши. Ромеонинг Лоренциодан Жулеттани никоҳлаб қўйишини илтимос қилиши.
10. Ромеонинг энагани ўз томонига оғдириши, қачон, қаерда никоҳланишини Жулеттага етказишни илтимос қилиши.
11. Капулетти боғи. Жулеттага Ромео уйланиш никоҳи ҳақидаги хабарни энаганинг етказиши.
12. Никоҳ. Лоренцио никоҳ маросимини ўтказди.
13. Уришиш. Тибалт Меркусионини ўлдиради. Ромео Тибалтни ўлдиради.
14. Жулеттанинг тоғаси Тибалтнинг ўлиmidан мотамда, Ромеога садоқатини билдиради.
15. Сургун. Ромеонинг Верронадан қувғин қилиниши.
16. Ромео ўзини ўлдирмоқчи бўлиши. Лоренционинг Ромеога бу шахтидан қайтариши ва бундан кетсин ўзини қандай тутиши кераклиги тўғрисида бир қарорга келиши.
17. Капулеттининг қизини Парисга бериш тўғрисида бир қарорга келиши. Пайшанбага никоҳнинг белгиланиши.
18. Ромео ва Жулеттанинг тунги учрашуви ва хайрлашуви.
19. Жулеттанинг Парисга турмушга чиқишдан воз кечиши, Лоренционинг Жулеттага уйқу дори бериши.
20. Тўйга тайёргарлик. Жулеттанинг дорини ичиши.
21. Жулеттанинг сохта ўлими. Дафн маросими.
22. Жулеттанинг ўлими тўғрисида хизмткор Балтизарнинг Ромеога хабари. Ромеонинг заҳарли дорини харид қилиши.
23. Ромео билан Париснинг гўристонда яккама-якка олишуви. Париснинг ўлими.
24. Ромеонинг заҳарланиши.
25. Жулеттанинго ўғирланиши ва ўзини ўлдириши.
26. Монтекки ва Капулеттиларнинг ярашиши.

Мана шу воқеалар занжири “Ромео ва Жулетта” фожеасини ташкил этади. Энг асосий воқеа Ромео ва Жулетта муҳаббатю Монтекки ва Капулеттиларнинг адовати.

Бу адоватнинг ярашувга муҳаббатнинг ҳалокати сабаб бўлади.

Бу мавзуда Шарқда ҳам ривоятлар кўп “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Тоҳир ва Зухра” ва бошқалар. Умуминсоний муаммоларга бағишланган бу асарлар ўлмас асарлардир. Режиссёр бундай асарларга қўл чўзар экан, чуқур таҳлил қилиши, адоват замирида нималар ётганини аниқлаши, ўрта асрларда содир бўлган жаҳолатнинг ҳозирги замонга долзарблик томонларини очиши керак бўлади.

Таянч иборалар:

Театр, драматург, пьеса, драматург ва режиссёр, санъат турлари.

Савол ва топшириқлар:

1. Театр санъати тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Режиссёр билан драматург ҳамкорлиги ҳақида гапириб беринг?
3. Бадий асар устида ишлаш ҳақида гапириб беринг?
4. Режиссурада воқеалар занжирини қандай аниқланади?

Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
3. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
4. М.Умаров. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
Ж.Маҳмудов. “Актёрлик маҳорати”. Тошкент: Билим, 2005.
5. Юсупова М.Р. “Упражнения по актёрскому тренингу”. Т.: ЎзДСИ босмахонаси. 2005.
6. Ш.С.Ҳамидова. “Эстрада театри ва унинг жанрлари”. Т.: 2009.
7. Ж.Маҳмудов, Х.Маҳмудова. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
8. Зиё.нет.
9. [хтtp://www.тсис.уз](http://www.тсис.уз)
10. [хтtp://www.театр.ру](http://www.театр.ру)

Мавзу: Содда жисмоний ҳаракатлар. Сахнавий тасаввур ва фантазия.

Режа:

1. Санъат соҳасидаги тасаввур
2. Актёрнинг ижодий тасаввури
3. «Дикқат» учун қилинадиган машқлар
4. Тана ҳолатини оқлаш учун машқлар
5. Тасаввур ва фантазия учун машқлар

Санъатнинг ҳар бир соҳасида тасаввур айна шу соҳанинг ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади. Ёзувчининг тасаввури рассомникидан ёки бастакорникидан фарқ қилади. Сахнавий тасаввурнинг ҳам бошқаларидан фарқи бор.

Тасаввурга эга бўлмаган актёр ҳеч қачон яхши актёр бўлаолмайди. Хўш, актёр тасаввури нима, унинг бошқа санъаткорлардан қандай фарқи бор? Фарқи шундаки рассом ёки ҳаёкалтарёш ўз тасаввурини ўзидан ташқарида яратади, актёр эса бундай қилолмайди. Актёр ўзи яратаётган образни ўзи вужудида ҳис қилади ва жонлантиради. Зеро яратаётган қаҳрамони ҳаёти ҳақида ўйлаётганда учинчи шахсда эмас, биринчи шахсда фикрлайди. Тасаввурида пайдо бўлаётган образ ҳаёти билан қўшилиб кетади. Актёрнинг тасаввурини ёш боланикига ўхшатиш мумкин. Чунки болалар ўйин пайтида ўзларини гоҳо шоҳ, гоҳо малика, гоҳ эса саркарда, учувчи деб тасаввур қиладилар ва буни жуда жиддий қабул қиладилар.

Санъат соҳасидаги тасаввур, инсон организмидаги 5 та сезгининг бирортаси билан боғлиқ бўлади. Масалан, рассомда - кўриш, мусикачида эшитиш, ҳайкалтарёшда сезиш органлари билан боғлиқ. Актёрнинг ижодий тасаввури эса 5 та сезги органининг ҳаммаси қамраб олади. Лекин актёр учун энг асосийси бу унинг ўз танаси, гавдаси, чунки у сахнада шахсан ҳаракат қилади; - тушунтиради, юпатади, кўрқитади, севги изҳор қилади ва яна қанчадан-қанча бадий вазифаларни бажаради. Демак, актёр актидирокини, иродасини, фантазиясини ишга солиб ўз бадий тасаввурини мушакларнинг маънодор ҳаракатлари орқали ифода қилади. Шу учун унга ўз «мушаклари хотирасини» (мускулная память) ўстириш катта аҳамиятга эга.

Ишонч, тасаввур ва фантазияни тарбиялаш учун қилинадиган машқлар

1. «Диққат» учун қилинадиган машқларни мураккаблаштириб бориш керак. Кузатиш учун танланган объектни талаба ўзи учун «зарур» деб белгилаши лозим. Бундан у ўз-ўзига «нимага?» «нима учун?» шу объектни кузатаяпман, у ёки бу овозларни тинглаяпман ва ҳақозо саволларни бериши, тасаввури ва фантазиясидан келиб чиққан ҳолда ушбу саволларга жавоб топиши керак: Тасаввур диққатни янаям активлаштиради, унга эмоционал ҳиссий тус беради. Шундан сўнг талаба қай йўсинда, қандай қилиб ушбу объектни ўзи учун зарур деб тасаввур қилганини гапириб беради. Дарс якунида машқни энг яхши ва энг ёмон бажарган талабанинг ҳикоялар таққослаб таҳлил этилади. Бунда педагог ишонч ва диққат ўртасидаги боғлиқликни ёрқин мисолларда исботлаб бериши мумкин. Шунда талабалар ўз тасаввурлари қанчалик бой бўлса, диққатлари шунчалик чуқур ва фаол бўлимини, ҳамда фантазиялари шунчалик кенгайиб боришини илғаб оладилар.

2. Тана ҳолатини оқлаш учун машқлар:

Бундан ташқари педагог бир-бири билан боғлиқ бўлмаган турли ҳатти-ҳаракатларни таклиф қилиб кетма-кетлигини ўзгартирмаган ҳолда уларни оқлашни сўраши мумкин. Бундай машқлар талабаларнинг тасаввурини янги-янги оқлашлар топиш учун зўр бериб ишлашини таъминлайди. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳатти-ҳаракатларни берилган шарт-шароитдан келиб чиқиб оқлаш.

Бундан ҳатти-ҳаракат айнан персонажнинг характер-хусусиятидан келиб чиқиб танланиши керак.

Бу машқлар актёрни ўз ҳатти-ҳаракатларининг шемасини пьесада берилган шарт-шароитдан ва қаҳрамоннинг характерида келиб чиқиб оқлашга ўргатади. Бу малака талабага келажакда яратадиган роллари устида изланишларида катта ёрдам беради.

3. Суратга қараб, шу суратдаги одамларни ҳар бирини алоҳида, феъл-атвори, касби, бошқа одамлар билан муносабатини аниқлаш машқларини буюринг. Бундай машқлар талаба-актёрда тасаввурдан ташқари кузатувчанликни, хотирани, зийракликни ҳам ривожлантиради.

Таянч иборалар:

Тасаввур, сахнавий тасаввур, актёр тасаввури, актёр, фантазия, акли-идрок, рассом, ишонч ва диққат, ҳатти-ҳаракат, муносабат.

Савол ва топшириқлар:

1. Сахнавий тасаввур нима?
2. Актёр тасаввурида сезги органларининг аҳамиятини таърифланг.
3. Тасаввур ва фантазия учун машқлар ўйлаб топинг.

Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
- К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Мухамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
3. С.Турсунбоев. “Жаҳон театри тарихи”. Т.: “Фан ва технология”. 2008.
4. Б.Е.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» 88-111 бетлар.
5. Н.Махмудованинг шу мавзуга бағишланган илмий семинарлардаги маърузаси (кафедра фондида).
6. Ж.Махмудов, Х.Махмудова. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
7. ЗиёнеТ
8. [хтtp://станиславский.бй.ру](http://станиславский.бй.ру)
9. [хтtp://www.актор.ру](http://www.актор.ру)
10. [хтtp://www.меерхолд.ру](http://www.меерхолд.ру)
11. [хтtp://www.мхат.ру](http://www.мхат.ру)

Мавзу: Актёрлик кузатувлари

Режа:

1. Қабул (идрок) қилиш ва кузатувчанлик учун машқлар
2. Кузатиш ва инсондаги органик жараённи мантиқан таҳлил қилиш
3. Эшитиш аппаратларини ишга солиш учун машқлар
4. Қабул идрок қилиш ва кузатувчанликни ривожлантириш учун машқлар

Машқ: Хонадаги яқин ва узоқ объектни айтиб бериш. Бир хил рангдаги хонанинг буюмларини айтиб бериш. Ўртоғи бажарган позаларни қайтариш. Стол устидаги предметларнинг жойлашишини эслаб қолиб,

ўзгартирилгандан кейин жой-жойига қўйиш ва айтиш. Бир-бирининг кўзи, сочи рангини сўзлаб бериш

Машқ: Эшитиш аппаратларини ишга солиш. Хона, кўча, коридорни эшитиш.

Машқ: Сезиш. Бирор материални кўзни беркитиб ушлаб кўриш, формасини аниқлаш, размерини сезиш ёки хона температурасини, ўртоғининг кийимини сезиш ва х.к.з.

Таъм билиш органлари учун машқ

Хуллас талаба бу машқларни бажарганда ўзига-ўзи нима учун бу машқларни қияпман? Нима учун хонани танимаяпман? Эшитаяпман? Сезаяпман? Каби саволларни бериши ва ўзи унга жавоб топиши лозим. Мисол учун мен тез ёрдам машинасини кутияпман, ўртоғим ўлим тўшагида вах.к.з.Кўчада юрган одамларни кузатиш зарур. Неча ёшда, касби, ички хрлати ва бошқа саволларга жавоб топмоқ лозим. Кузатиш ва инсондаги органик жараённи мантиқан таҳлил қилиш актёр учун жуда зарурдир.

Қабул идрок қилиш ва кузатувчашшкни ривожлантириш учун, Гиппиус қўлланмасидаги машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таянч иборалар:

Объект, эшитиш аппаратлари, сезиш, кутияпман, қабул идрок қилиш ва кузатувчанликни ривожлантириш.

Савол ва топшириқлар:

1. Кузатув машқларига нималар киради?
2. Актёр кузатув машқларини таърифланг.
3. Кузатув учун машқлар ўйлаб топинг
- 4.

Адабиётлар рўйхати:

1. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Мухамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
2. Б.Е.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» 88-111 бетлар.
3. Ж.Махмудов, Х.Махмудова. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
4. Б.Сайфуллаев, Ж.Маматқосимов. “Актёрлик маҳорати”. Т.: “Фан ва технология”. 2012.
5. Ж.Махмудов. “Актёрлик маҳорати”. Тошкент: Билим, 2005.

Мавзу: Буюмларни жонлантириш

Режа:

1. Буюмсиз жисмоний хатти - ҳаракат машқлари
2. Хатти - ҳаракатларнинг бўлаклари
3. Мантиқ изчиллик
4. Диққатни йиғиш
5. Шарт - шароит
6. Машқдан этюдга ўтиш
7. Тасаввурдаги буюмлар билан хатти - ҳаракат қилиш турлари

“Ҳақиқий актёр даставвал ролни узвий равишда қандай ижод қилиш зарурлигини ўрганмоғи керак. У ички ва ташқи техникани муттасил такомиллаштириши, шунингдек, омилкорликни талаб этмаган санъатнинг йўқлигини ҳамда бу омилкорнинг мукамаллиги учун қатъий ўлчовнинг мавжуд эмаслигини билмоғи лозим”, - деб таъкидлайди К.С.Станиславский. Буюмга жон киритиш, оддий тилда айтадиган бўлса одамийлаштириш, яъни одам сифатида ҳаракатга келтиришдир.

Актёрлик ва режиссёрлик касби ўзига хос ҳаётий кузатувни талаб этади. Шунингдек талабаларга ҳам бу вазифалар берилиб, ҳаётдаги ҳар бир ҳолат ва воқеаларга нисбатан кузатувчан бўлиш талаб этилади. Бу касб танганинг иккинчи томонини кўришни, жонсизларга жон ато этишни тақоза этади. Бу касбда ҳар бир предмет жонланиши, ўзаро суҳбат қуриши ҳаттоки жанжаллашиши ҳам мумкин.

Ҳаётда чойнак ва пиёлаларнинг бирга рақс тушганини кўрганмисиз?

Саҳнада талабалар худди чойнак ва пиёланинг дастурхонда туришини эслатувчи ҳолатда туришади. Улар ичида бошқаларга нисбатан гавдаси каттароғи чойнак вазифасини бажаради. Унинг бир қўли белида, иккинчи қўли эса, худди чойнакнинг жумрагидек тепага бош баландлиги бўйича кўтарилган. Қўлнинг кафт қисми қайрилган. Талаба тик оёқларда эмас, балки тиззада турибди. Унинг атрофида тўлиқ ҳолатда ўтирган 3-4 тўртта пиёлани жонлантирувчи талабалар. Қўллар икки ёнга ёйилган. Мусиқа берилиб, предметлар мусиқага мос ҳаракат қилишади. Улар кўз орқали ёки мимика, имо-ишора орқали бир-бири билан мулоқотда бўлишади. Чойнак атрофида рақс тушиши, чойнак уларга чой қуйиши ёки кичик бир воқеани вужудга келтириш учун пиёлалар ўртасида жанжал чиқиши, улар жанжалига чойнак аралашиш мумкин.

Бундай машқлар, талабаларнинг тасаввурини, актёрлик маҳоратини оширади. Саҳнада партнёр билан ишлашга асос бўлади. Актёр ижодида кўпчилик ҳолатлар унинг мимикалари, имо-ишолари орқали очиб берилади. Айниқса тренингни мустаҳкамловчи, буюмларни жонлантириш, буюмларсиз ҳаракат ва этюдларда мимикалар асосий мулоқот ўлчови саналади. Чунки бу машқларда партнёрлар ўзаро суҳбат қуришмайди. Қисқа бир вақтда томошабин ҳукмини қозонишга ҳаракат қилади.

“Саҳнада артистнинг кўзлари, нигоҳи, қараши унинг юксак ижодий

қалбининг улкан, чуқур ички мазмунини ифода қилиши лозим. Бунинг

учун унинг қалбида инсоннинг руҳий ҳаётга монанд бўлган ички мазмун

тўпланган бўлмоғи лозим: ижрочи саҳнадалигида кўнглининг шу мазмуни

орқали пьесадаги ўз партнёрлари билан муносабатда бўлиши керак”, -

дейди К.С.Станиславский.

Мимика - юз мушакларининг турли хиссий ҳолатларни ва кайфиятни акс эттирадиган ифодали ҳаракатларидир.

Юздаги ҳолатлар, имо-ишоралар ўйналаётган образнинг характерини билдиради. Масалан, талаба қош-кўзларини чимириб, юзларини қизарган ҳолатда баён этса, ёмон характер, аксинча, юзларида табассум, кўзларида шўхлик аломатлари образнинг яхши характер эканлиги билдиради.

Буюмларни жонлантиришда бир буюм орқали буюмнинг турли хил кайфиятини кўрсатиши мумкин. Кундалик ҳаётимизда доимо ишлатиладиган самаварни талабалар қуйидагича жонлантирган: Талаба стул устига тизаси билан ўтирган, қўллари икки ёнида. Самаварга бир киши келиб муздек сув қўйганини, унга олов ёққанини, самавар ўз вазифасини хурсанд бўлиб бажаришини, ижерочининг юз мушаклари, мимикалари орқали билиш мумкин. Масалан, унинг ёнига инсон келганини, у қилаётган ҳаракатларни кўзлари орқали билдириб туради. Муздек сув қўйганини эса, худди инсон танасига муздек сув қуйиб юборганда бирданига сесканиб кетиши, тўсатдан овоз чиқариб юбориши каби хатти-ҳаракатлар орқали кўрсатиб берган. Шундан сўнг самавардаги сувнинг қайнаш жараёнини, талаба сув қайнаб, буғ чиқиш вақтидаги сингари овоз ва мимикада кўрсатиб берган. Самаварнинг кўп қайнаши оқибатида унинг эриб кетишини яъни секин-аста стулдан йиқилиши воқеани жонлантирган ва таъсирчанлигини оширган.

Буюмларни жонлантириш бўйича дарс жараёнида ўқитувчи томонидан маълум бир буюмларни жонлантириш вазифа сифатида берилиши мумкин. Лекин, амалиётда исботланганидек талабанинг ўзи мустақил равишда хоҳлаган буюмини жонлантириш, вазифани аъло даражада бажаришга, талабанинг фантазиясини бойитишга олиб келган. Ўқитувчи томонидан берилган вазифалар баъзи-бир фантазияси суст бўлган талабалар учун асос бўлиб, ўзлари мустақил вазифалар тайёрлашга замин яратган.

Актёрлик ва режиссёрлик касби учун таҳсил олаётган талабалар ўз устида мустақил ишлаши, асосий жараён бўлиб, талабани мустақил фикрлашга олиб келади. Мустақил фикрлаш эса актёрлик ва режиссёрлик маҳоратининг асосий элементларидандир. Талаба ҳоҳ уйда, ҳоҳ кўчада ёки бозорда бўлсин ҳар атрофдагиларга нисбатан бееътибор бўлмаслиги керак. Ёнидаги одамнинг нафақат ўзини балки, унинг соясини ҳам кўрмоғи, унинг фикрини ўқимоғи керак. Шундагина жонсиз буюмга жон бериши, унинг турмушдаги вазифасидан келиб чиқиб саҳнавий ҳаёт бериши мумкин.

Актёрлик маҳоратида “буюмларни жонлантириш” деган ибора бўлиб, бу актёр техникасини кучайтирадиган ва тасаввурини бойитадиган омилдир. Буюмларни жонлантириш – бу бирор бир Буюмсиз ҳаракатлар фикрни бир жойга йиғишни, тасаввурни, ўткир кузатувчанликни, аввал ҳис қилган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини, мантиқ ва кетма-кетликни талаб қилади.

Тасаввурдаги буюмларга асосланган машқлар, актёрлик машқига кирган ҳолда ҳам, улар кўпинча юзаки, ижод билан чуқур боғлиқликни тушунмаган ҳолда бажарилади.

Машқларга бундай ёндошганлар актёр табиатни кўзгата олмайди ва ҳеч қандай натижага эриша олмайдилар. Шу боис, уларга бажараётган хатти-ҳаракатларини ҳақиқатдан ҳис қилишга даъват қилмоқ лозим. Акс ҳолда талабалар ёлғон актёрлик ўйинига ишониб, фойда ўрнига зарар оладилар.

Нега жисмоний хатти - ҳаракатларнинг мантиқ ва кетма-кетлигини реал буюмларга асосланган машқларда ўрганиб бўлмайди? Тасаввурдаги буюмларга мурожаат этишнинг нима кераги бор? Буюмсиз хатти-ҳаракатларга асосланган машқлар, ҳаётда тез-тез қайтарилиши туфайли, механик тарзда бажарилувчи оддий жисмоний ҳаракатларнинг мантиқи ва кетма-кетлигини чуқур англаб тиклаб олишга ёрдам беради.

Реал буюмлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ихтиёрсиз, ҳаётий тажрибага асосланган механик тарзда бажарилади, талаба бу жараёни кузатишга улгурмайди. Уларни илғаб олиш қийин. Агар бунга йўл қўйилса, жисмоний ҳаракатларнинг мантиқ ва кетма-кетлигини бузувчи муваффақиятсизликлар юзага келади. Ўз навбатида бузилган мантиқ ҳақиқатни барбод қилади, ҳақиқатсиз эса, актёрда ҳам томошабинда ҳам ишонч ва ҳис туйғу бўлмайди.

«Буюмсиз хатти - ҳаракатда»да ўзгача шарт-шароитлар юзага келади. Бунда катта бир хатти - ҳаракатнинг, ҳар бир энг кичик бўлақларига эътибор бериш имкони пайдо бўлади. Бу нарсасиз ҳамма ёрдамчи бўлақларни талаба эслаб олмайди ва бажара олмайди.

Реал буюмлар билан ҳаётий хатти - ҳаракатни бажаришдан кейин, тасаввурдаги, буюмсиз хатти - ҳаракатга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўқитувчи қоронғида йўқолган буюмни топиш учун гугурт ёқиб қидиришни буюради. Унинг учун ҳаётда минимал диққат билан бажарилувчи хатти - ҳаракатларни талаба синаб кўрганидан кейин, энди унга гугуртсиз ёки қутисиз бирин-кетин шу жараёни қайтариш буюрилади.

Бармоқларнинг одатий ҳаракатларини аниқ, тиклаб олиши учун, аввалига етарли даражада диққатни тўплашга тўғри келади. Бу учун эса, яна бир бор, реал гугуртлар билан, машқни қайтариб олишни такозо этади. Бу мураккаб хатти - ҳаракат жараёни бажариш ва эслаб қолиш учун, аввал уни майда таркибий қисмларга бўлиш лозим.

Тасаввурдаги буюмсиз хатти - ҳаракатни реал хатти - ҳаракат билан солиштириб, текшириш ва таққослаш мумкин.

Хатти-ҳаракатни ўрганишда, уни янада типиклаштириб ва ойдинлаштирадиган, кичик тўқнашувлари мавжуд машқлар кўпроқ фойдалидир. Зеро, ҳаётда гугурт қутиси ҳеч қандай қийинчиликсиз очилиши, гугурт донасини тез ёқиш мумкин. Аммо мана шу жараёни сахнада кўрсатиш учун тўқнашувлар керак. Масалан, гугурт донаси синиб кетди; ёқаётган пайтда шамол эси ва ҳ.к. Шунга ўхшаш

карамақаршиликлар диққатни айнан мақсадга мувофиқ тўпланишига ёрдам беради.

Талаба машққа киришаётиб, ўзини бирданига берилган шарт-шароитлар билан ўраб олиши шарт эмас. Хатти - ҳаракатга муҳтожлик пайдо бўлганида, улар ўз-ўзидан зарурат даражасига қараб бажарилаверади. Вақти келиб, шунга ўхшаш машқ бутун бир этюдга айланиши мумкин. Масалан гугурт ёкиш машқи, душман штабини ёндириб ташлаш этюдига айланиши мумкин. Лекин, машқ бошланганда талабанинг олдида бундай мураккаб вазифани қўйса, унинг диққати бажараётган ҳаракатининг аниқлигига ва уни ҳаёт ҳақиқати даражасига етказишга эмас, балки, (этюд «кўрсатиш») қаҳрамонқийёфасини яратиш ва драматик вазиятни ифодалашга қаратилади.

Демак аввал ҳаракатнинг техникасини, яъни аниқ бажариш услубиятини ўзлаштириш керак. Барча диққатни шунга жалб қилган ҳолда, хатти - ҳаракатнинг ҳар бир таркибий қисмини мукаммал ўрганиш лозим. «Кичкина ҳақиқатни ярата билишнинг ўзи ижод... Кимки кичик жисмоний ҳаракатларни яхши бажараётган бўлса, у системанинг ярмисини билган бўлади».

Талаба, машқ шарт-шароитларидан келиб чиққан хатти - ҳаракатни кўрсатиб бермоғи тўғри эмас, балки, ушбу машқ жараёнида ўзи учун сахна сирларини ихтиро этмоғи керак. Жисмоний хатти - ҳаракатларнинг ҳақиқатини, мантиқ ва изчиллигини қидираётганда, шуни эсда тутиш лозимки, ёлғон -- мантиқсизлик, одатда ортиқча ҳаракатларда яққол кўринади. Буюмсиз хатти - ҳаракатлар машқини эгаллаб бўлганидан кейин, тасаввурдаги буюмларни реал буюмлар билан навбатма - навбат комбинация тарзида алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ҳақиқий қошиқча билан тасаввурдаги шакар (стаканга) солиб аралаштириши, стакандан тасаввурдаги чойни ичиш мумкин. Шуни тушуниб олгач, машқдан стакан ва қошиқчани олиб ташлаш мумкин.

Талаба буюмсиз хатти - ҳаракатни бўлақларга ажратиб, ўрганиб бўлганидан кейин, уни яхлит ва мукаммал бажаришга ҳаракат қилади. Буюмсиз ҳаракатлар устидаги ишнинг кейинги босқичи қуйидагилардан иборат. Бунда нима учун ва нега мен бу ҳаракатларни бажараяпман? -- деган саволларга жавоб топиш орқали талаба шарт шароитларга олиб кирилади ва сахнавий ҳаракатларга аниқлик киритилади.

Улар тажрибада синалган, ҳаётда кўрилган, ёки китоблардан ўқилган фикрлар жараёни бўйича мантиқли ва изчил бўлиши лозим.

Агар ташналик қийнаса, маъруза пайтида томоқ қуриб қолса, ёки дори ичиш керак бўлса, сувни ичиш зарурати пайдо бўлади. Шароитга қараб сув, дорига, винога, қайноқ чойга, ёки захарга айланиши мумкин.

Буюмсиз ҳаракатларга асосланган этюдлар бора-бора мукаммаллашиб бадий яқунланган бутун бир томошага айланиши мумкин. Масалан, Станиславский ўзининг опера-драматик студиясида «Мотсарт ва Салери»

деб шартли номни олган этюд, буюмсиз ҳаракатларга асосланган расм чизиш машқидан туғилган. Бўёқлар, каноп, бўёқ тахтаси, мўйқалам билан муомала қилиш техникаси етарли даражада ишланиб чиқилгандан сўнг, машқни бажарувчи иккита одам орасида ўзаро аниқ муносабатлар ўрнатилган. Натижада Станиславский студиячиларни этюдни янада ривожлантиришга жалб қилган. Улардан бири ўқитувчи, бошқаси ўқувчи бўлган. Ўқувчининг расми ўзининг расмидан истеъдод бўйича ўзиб кетганлигини устоз аниқлайди. Ҳасад туйғуси уйғонади. Ўқитувчи ўқувчисига расмини йўқотиб юборишни ҳоинона маслаҳат (провакация) қилади. Сўнгра содир бўлган жиноят учун пушаймонлик юзага келади. Этюд драматик мазмундаги бутун бир актли пьесага айланган.

Тасаввурдаги буюмлар билан машқлар қилиш ва уларни этюд даражасига етказиш қуйидаги босқичлардан ўтади:

1. Буюмсиз хатти-ҳаракатнинг мантиқлилиқ ва изчиллик техникасини эгаллаш. Масалан хат ёзиш, яъни қоғоз, ручка, сиёҳдон билан муомала қилиш. Хатти - ҳаракатнинг ҳ_ар бир кичкина таркибий қисмининг мантиқи ва кетма-кетлигини ва ҳаракатнинг барча жараёнини яхлитлигича синчиклаб ўрганиш ва қайта - қайта такрорлаш.
2. Тасаввурдаги буюмлар билан муомала қилиш техникасини мукаммал яъни санъат даражасига етказиш.
3. Саволлар бериш орқали шарт шароитларни аниқлаш. Масалан, кимга ва нега хат ёзипман.
4. Агар севги хати ёзилса, асосий объект қоғоз, хат, сиёҳдон эмас, балки хат ёзилаётган одам бўлади. Бунда энди тасаввурдаги шерик билан тилсиз суҳбат, ҳаракат мантиқининг асосини ташкил этади ва ўзлаштирилган хат ёзишнинг техникаси, (яъни мантиқ ва изчиллик) борган сари иккинчи планга ўтади.
5. Хат ёзиш техникаси машқи давомида шарт-шароитлар мантиқига асосланиб, у янги хат қаерда ва қачон ёзилаяпти каби тафсилотлар билан бойитилади. Агар хат ёзиш 19-асрда содир бўлаётган бўлса, унда ғоз пати билан ёзиш техникаси ўзлаштирилади.
6. Шарт шароитларни аниқлаштириш ва кескинлаштириш натижасида, севги хатини ёзиш этюдга айланиши мумкин.
7. Агар берилган шарт шароитларни ўзлаштириш қийин бўлса,, буюмсиз ҳаракатга асосланган машқларни, темпо -ритминини аниқлаш ва унга эмоционал бўёқ берувчи, талаба тасаввурини кўзғатиб, уни янги ўй - фикрларга йўлловчи мусиқа остида бажариш тавсия қилинади.

Тасаввурдаги буюмлар билан хатти - ҳаракатланишга асосланган машқлар ўз хусусиятларига кўра икки турга бўлиниши мумкин.

Биринчисига, бутун бадан кучини ёки унинг айрим мушаклари кучини талаб қилувчи ҳаракатлар мансуб. Бу оғирликни ҳисқилиш, гавданинг эгилиши, қўл-оёқларнинг ҳаракатлари, бутун баданнинг бўшлиқдаги ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган турли-туман жисмоний ишлар. Масалан, хона тозалаш, пол ювиш, кир ювиш, печка ёқиш, турли

хил оғирлик ва шаклдаги буюмлар билан хатти-ҳаракат қилиш, ер чопиш, дарахт экиш, театр пардасининг очилиши ва ҳ. к. з. киради.

Иккинчисида жисмоний ҳаракатларда ҳақиқатни хис қилиш, турли ҳажмдаги ва шаклдаги буюмлар билан муомала қилишнинг тўғри усулларини ўргатадиган, сахнабоп хатти -- ҳаракатлар топиш мақсадга мувофиқдир. Бундай машқларга масалан ювиниш, овқатланиш, ичиш, кийиниш ва ечиниш, тикиш, дазмоллаш, ўқиш, ёзиш, чизиш кабилар, шунингдек, кулфлар-калитлар, пуллар, турли ўйинлар, арча безатиш, муסיқа асбобларини чалиш кабилар билан боғлиқ хатти -- ҳаракатлар кириши мумкин. Буюмсиз хатти - ҳаракатларни эгаллаш техникаси, оддий психо • жисмоний ҳаракатларнинг табиатини ўрганишга, мантиқи ва кетма-кетлигини тиклашга ёрдам беради. Актёр техникасини ривожлантиришга қаратилган ушбу машқлар, келажакдаги роллар устида ишлаш услубиётини эгаллашда, дастурул амал ҳисобланади. Улар элементарпсихофизик ҳаракатлардан мураккаб психологик мазмун билан тўйинган хатти - ҳаракатларга ўтишнинг муайян профессионал кўникмаларини тарбиялаш восита вазифасини бажаради. Шунингдек, улар актёрнинг, жисмоний ва рухий табиатига ҳос барча элементларининг нормал ишлашини, доимо сахнабоп ҳолатда бўлишини таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Бу машқлар ифода воситаларининг аниқ бажариши орқали актёр фикрининг сахнавий маънодорлигини ёрқинлаштиради. Зеро, машқлар актёр-иждоқордан аниқлик, кузатувчанлик, кучли диққат, мушакларини моҳирона ишлатиш кўникмасини юзага келтиради. Адабиётлар:

Таянч иборалар:

Хатти-ҳаракат, фаоллик, буюмларни жонлантириш, хатти-ҳаракат, тасаввур, тасаввурдаги буюм, “Агарда”, “Берилган шарт-шароитда”, режиссёр, режиссура, сахна, актёр маҳорат, актёрлик маҳорати.

Савол ва топшириқлар:

1. Буюмсиз жисмоний хатти - ҳаракат машқлари ҳақида тушунча беринг
2. Хатти - ҳаракатларнинг бўлаклари нима?
3. Мантиқ изчиллик ҳақида сўзлаб беринг.
4. Тасаввурдаги буюмлар билан хатти - ҳаракат қилиш турлари ҳақида гапиринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
3. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
4. Ф.Аҳмедов. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. Т.: “Алоқачи”. 2008.
5. Т.Турсунов. “Ўзбек театри тарихи”. Т.: 2008.
6. Б.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» «Просвехсение» М. 1978г.
7. Г. Кристи. «Воспитание актёра школ: Станилавского» Изд. 2 - е. М., Искусство 1978г.
8. С.Турсунбоев. “Жаҳон театри тарихи”. Т.: “Фан ва технология”. 2008.
9. Ж.Маҳмудов, Х.Маҳмудова. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмаҳонаси. 2008.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Истиклол ва миллий театр. Тўплам. –Т., 2002.
2. Шукуров Ў. Миллий театримиз намоёндалари. –Т., 2002.
3. Қорабоев У. Оммавий бадий тадбирлар. –Т., 1991.
4. Усмонов Р. Режиссура. - Т., 1997.
5. Юсупова М.Р. История профессиональной режиссуры Узбекистана. – Т.: ЎзДСИ,
6. М.Абдуллаева Актёрлик махорати асослари – Тошкент Т.: ЎзДСИ 2010 й.
7. О.Салимов Касбим Режиссёр. Тошкент Т.: ЎзДСИ . 2009 й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Жалилова Ф. Грим. - Т., 2008.
2. Курбонова Ш. Т.Азизовнинг режиссёрлик фаолияти. - Т., 2004.
3. Маҳмудов Ж. Ўзбекистон театрлари. - Т., 1997.
4. Раҳмонов М.Р., Тўлахўжаева М.Т., Мухторов И.А. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. - Т., 2003.
5. Ризаев О. Наби Раҳимов. - Т.,1997.
6. Ризаев Ш. Жаид драматургияси. - Т., 1998.
7. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. - Т., 2005.
8. К.С.Станиславский – Актёр ўз устида ишлаши –Т.Хўжаев таржимаси
9. К.С.Станиславский – Санъатдаги ҳаётим –Ж.Обидов таржимаси

Интернет ва ЗиёнеТ сайтлари

1. www.сенат.гов.уз
2. www.парлиамент.гов.уз
3. www.гов.уз
4. www.уза.уз
5. www.зиёнет.уз
6. www.инфосом.уз
7. www.узрепорт.ком
8. www.жахонnews.уз